

MRC

“ТАСДИҚЛАНГАН”
 “Ўзбекистон ипотекани қайта
 молиялаштириш компанияси”
 акциядорлик жамияти
 Кузатув кенгашининг
 2026 йил 17 февралдаги 2 - сонли
 қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН АНДЕРРАЙТЕР”
“ALKES RESEARCH”
 масъулияти чекланган жамияти

Жамият Кузатув кенгаши раиси

Каршибаев Жасур Ҳазраткулович



(имзо)

Бошқарувчи директори

Мусаев Одилжон Нодир ўғли



(имзо)

“ ” 2026 й. М.Ў.

ОБЛИГАЦИЯЛАР ЭМИССИЯ РИСОЛАСИ

“ЎЗБЕКИСТОН ИПОТЕКАНИ ҚАЙТА МОЛИЯЛАШТИРИШ КОМПАНИЯСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Идентификация рақами берилди: **R U 3 0 8 P 0 9 1 2 T 2**

Эгасининг номи ёзилган, хужжатсиз шаклдаги, фоизли, номинал қиймати 1 000 000 (бир миллион) сўм бўлган умумий ҳажми 300 000 000 000 (уч юз миллиард) сўм миқдоридаги 300 000 (уч юз минг) дона корпоратив облигациялар

Бош ижрочи директор

Фарманов М. Ж.



(имзо)

Бош бухгалтер в.в.б.

Нурмаматов М.А.

(имзо)

РЎЙХАТДАН ЎТКАЗУВЧИ ОРГАН УШБУ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЭМИССИЯСИ РИСОЛАСИДАГИ АХБОРОТНИНГ ТЎҒРИЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАР БЎЛМАЙДИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИШ ФАКТИ БИЛАН ЖОЙЛАШТИРИЛАЁТГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРГА НИСБАТАН ЎЗ МУНОСАБАТИНИ БИЛДИРМАЙДИ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ 61-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ИНВЕСТИЦИЯ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА ТАНЛАШ ВА ШУНГА МУВОФИҚ УШБУ ТАНЛОВНИНГ ОҚИБАТЛАРИ ИНВЕСТИОРНИНГ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИДИР.

ЖАМИЯТЛАР РИСОЛАДА КЕЛТИРИЛГАН БАРЧА МАЪЛУМОТЛАР ИШОНЧЛИЛИГИ, ИНВЕСТИОРЛАРНИ ЖАМИЯТЛАР ВА УЛАР ЖОЙЛАШТИРАДИГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МАСАЛАСИДА ЧАЛҒИТМАСЛИГИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ.





МУНДАРИЖА

I.....	4
ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ	4
II.....	6
КЕЛГУСИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШИНИ МУОМАЛАГА КИРИТИШ ШАРТЛАРИ	6
III.....	13
ЭМИССИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР	13
IV.....	16
ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ВА ИЖРО ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ	16
V.....	19
ЖАМИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ.....	19
VI.....	24
ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	24
VII.....	24
ИЛОВАЛАР	24



I.	ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ
1.	Жамияти номи: (Жамиятнинг тўлиқ ва қисқарган номи, жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шакли) Давлат тилида: Тўлиқ: “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти, Қисқа: “ЎЗИҚМҚ” АЖ. Рус тилида: Тўлиқ: Акционерное общество «Компания по рефинансированию ипотеки Узбекистана», Қисқа: АО «УЗКРИ». Инглиз тилида: Тўлиқ: Joint-stock company “Mortgage Refinancing Company of Uzbekistan” Қисқа: JSC “UzMRC”
2.	Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар. (Кўрсатилади: а) бирламчи давлат рўйхатидан ўтган санаси ва рақами; 04.11.2019 рўйхатдан ўтган ва 776924 рўйхат рақами таксидикланган б) давлат рўйхатидан қайта ўтиш санаси ва рақами (қайта рўйхатдан ўтиш амалга оширилган бўлса); Қайта рўйхатдан ўтиш амалга оширилмаган в) номи ўзгарган бўлса, аввалги барча қисқарган ва тўлиқ номлари, шунингдек, ўзгартирилган саналар кўрсатилади; Жамиятнинг номи ўзгармаган д) агар жамият юридик шахс (шахслар)ни қайта ташкил этиш натижасида ташкил топган бўлса, қайта ташкил этилган шахслар ва (ёки) жамиятларнинг вориси эканлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади. <i>Маълумотлар хронологик тартибда келтирилади)</i> Ташкил этилмаган
3.	Жамиятнинг жойлашган жойи, телефон ва факс рақамлари, расмий веб-сайт ва электрон почта маълумотлари: Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темури шох кўчаси, 107Б, Ҳалқаро Хамкорлик Маркази, 14А. Мурожаат учун телефон: +998 (78) 148-30-00 Веб-сайт: www.uzmrc.uz Электрон почта: info@uzmrc.uz uzmrc@exat.uz
4.	Жамиятнинг банк реквизитлари: (Агар жамият тижорат банки бўлса, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида унинг вакиллик ҳисобварағи кўрсатилади) Банк: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ҳ/в: 2150 8000 9051 4195 1007 МФО: 00014 СТИР: 306 834 286
5.	Жамиятнинг солиқ органи 4олис и СТИР: Солиқ орган номи: “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ СТИР: 306 834 286
6.	Давлат статистика органи томонидан берилган кодлар: ОКЭД: 64190
7.	Рейтинглар мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар. (Жамиятга рейтинг(лар) берилган тақдирда, жамиятга берилган ҳар бир рейтинг бўйича сўнги 2 тугалланган ҳисобот йиллари учун қуйидагилар кўрсатилади: а) рейтинг берилган объект (жамият, жамият қимматли қоғозлари); “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ. б) ҳужжатларни рўйхатга олиш учун рўйхатга олувчи органга тақдим этиш санасигача бўлган сўнги 2 йил тугалланган ҳисобот йиллари учун рейтинг баҳоларининг ўзгариш тарихи; 2024 йилда – “Ahbor-Reyting” МЧЖ рейтинг агентлиги томонидан “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖга миллий шкала бўйича энг юқори “uzA++” даражасидаги кредитга лойқатлилиқ рейтинги ва “Barqaror” прогнози билан берилган. 2025 йилда – “Ahbor-Reyting” МЧЖ рейтинг агентлиги томонидан “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖга миллий шкала бўйича энг юқори “uzA++” даражасидаги кредитга лойқатлилиқ рейтинги ва “Barqaror” прогнози билан берилгани. в) рейтингни берган ташкилотнинг тўлиқ ва қисқарган номи, юридик ва почта манзиллари; “Ahbor-Reyting” – МЧЖ, Тел: +998 (71) 238 6919; Факс: +998 (71) 238 6929, Веб-сайт: www.ahbor-reyting.uz , Коратощ 1, Ташкент, 10002.



	Г) рейтинг тўғрисида жамият билдиришни маъқул топган бошқа маълумотлар.																				
	2025 йил ноябрь ойида “ Ahbor-Reyting” МЧЖ рейтинг агентлиги томонидан “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖга миллий шкала бўйича энг юқори “uzA++” даражасидаги кредитга лойқатлилиқ рейтинги ва “ Barqaror ” прогнози билан 2024 йилда берилгани рейтингни қайта тасдиқлади.																				
8.	Жамият филиаллари ҳамда вакилликлари тўғрисида маълумот: (Уларнинг тўлиқ номлари, жойлашган манзиллари ва боғланиш учун маълумотлар)																				
	Мазкур рисола тасдиқланган кунига қадар Жамиятнинг филиаллари ҳамда вакилликлари мавжуд эмас.																				
9.	Шуъба ва (ёки) тобе юридик шахслар тўғрисида маълумот (мавжуд бўлган тақдирда). (Ҳар бир шундай юридик шахс бўйича қуйидаги ахборот тақдим этилади: тўлиқ номи, солиқ тўловчининг индивидуал рақами, жойлашган манзиллари ва боғланиш учун маълумотлар; юридик шахсни жамиятга нисбатан шуъба ва (ёки) тобе деб топилш Болис ива; шуъба ва (ёки) тобе юридик шахс устав капиталида жамият иштироки улуши, шуъба ва (ёки) тобе юридик шахс акциядорлик жамияти бўлган тақдирда — бундай акциядорлик жамиятининг жамиятга тегишли овоз берувчи акциялари улуши)																				
	Жамиятнинг номи: “UMRC SPV” МЧЖ Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107Б, Ҳалқаро Хамкорлик Маркази, 14А. Мурожаат учун телефон: +998 (78) 148-30-00 СТИР: 312 024 342 Юридик шахснинг таъсисчилари: “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти. (Улуши: 100%) Юридик шахснинг раҳбарияти: “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” акциядорлик жамияти номидан Компания Уставига асосан иш юритувчи Бош ижрочи директор – Фарманов Муроджон.																				
10.	Жамиятнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида жойлашган саноат, банк, молиявий гуруҳлар, холдинглар, концернлар, уюшмалар, қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларига тегишлилиги, товар, валюта, фонд, бошқа биржалардаги аъзолиги, уларнинг тўла номлари ва манзиллари кўрсатилган ҳолда. (Агар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари ушбу ташкилотлар билан боғлиқ бўлса, бундай боғлиқлик характери тўғрисида батафсил баён қилинади.)																				
	Мазкур рисола тасдиқланган кунига қадар Жамиятнинг саноат, банк, молиявий гуруҳлар, холдинглар, концернлар, уюшмалар ва бошқа юқорида қайд этилган ташкилотларда иштирокчилари ҳамда аъзолиги мавжуд эмас.																				
11.	Жамиятнинг ташкилий тузилмаси. (Маълумотлар мазкур рисолага иловада кўрсатилиши мумкин.)																				
	1- иловада кўрсатилган.																				
12.	Ишчиларнинг охириги 3 йил учун ўртача йиллик сони (одамлар): (Маълумот сонлар кесимида ошкор қилинади: жамиятнинг асосий фаолияти бўйича банд бўлган ходимлар; маъмурий-бошқарув ходимлари. Бўш катакда жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўрсатилади)																				
	<table><tr><th colspan="4">Ишчиларнинг охириги 3 йил учун ўртача йиллик сони – 35</th></tr><tr><th>Давр</th><th>Умумий сони</th><th>Рахбар ходимлар</th><th>Асосий ишчилар</th></tr><tr><td>2024</td><td>28</td><td>3</td><td>25</td></tr><tr><td>2025</td><td>37</td><td>3</td><td>34</td></tr><tr><td>2026</td><td>41</td><td>3</td><td>41</td></tr></table>	Ишчиларнинг охириги 3 йил учун ўртача йиллик сони – 35				Давр	Умумий сони	Рахбар ходимлар	Асосий ишчилар	2024	28	3	25	2025	37	3	34	2026	41	3	41
Ишчиларнинг охириги 3 йил учун ўртача йиллик сони – 35																					
Давр	Умумий сони	Рахбар ходимлар	Асосий ишчилар																		
2024	28	3	25																		
2025	37	3	34																		
2026	41	3	41																		
13.	Жамият устав капиталининг 5 ва ундан ортиқ фоизига эга бўлган ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар (ушбу илованинг 11-бандида кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно). (Ҳар бир юридик шахс бўйича қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: тўлиқ номи, солиқ тўловчининг индивидуал рақами, жойлашган манзиллари ва боғланиш учун маълумотлар; жамиятнинг устав капиталидаги улуши, бундай ташкилот акциядорлик жамияти бўлса — жамиятга тегишли овоз берувчи акциялар улуши)																				
	1. Тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия Вазирлиги СТИР: 201122919 Жойлашган манзили: Истиқлол кўчаси, 29 Устав капиталидаги улуши: 34,38% Телефон: +99871-239-15-69 2. Тўлиқ номи: “Ўзмиллийбанк” АЖ СТИР: 200836354 Жойлашган манзили:Амир Темур шоҳ кўчаси, 101 Устав капиталидаги улуши: 9,95% Телефон: +99878-147-56-56 3. Тўлиқ номи: “Ҳалқ банки” АТ СТИР:207215726 Жойлашган манзили: Каторттол кўчаси, 46 уй																				



	Устав капиталидаги улуши: 9,67% Телефон: +99871-120-17-86 4. Тўлиқ номи: “Агробанк” АТБ СТИР:207243390 Жойлашган манзили: Зокиров кўчаси 2А Устав капиталидаги улуши: 7.52% Телефон: +99871-203-88-88 5. Тўлиқ номи: “Бизнес ривожлантириш банки” АТБ СТИР:206916313 Жойлашган манзили: Алишер Навоий кўчаси, 18А Устав капиталидаги улуши: 6,44% Телефон: +99878-150-76-65 6. Тўлиқ номи: “Асакабанк” АЖ СТИР:201589828 Жойлашган манзили: Нукус кўчаси, 67 Устав капиталидаги улуши: 6,16% Телефон: +99878-147-65-65
14.	Корпоратив бошқарув кодексининг жамият томонидан қабул қилинган санаси (агар Низомда уни қабул қилиш кўзда тутилган бўлса):
	25.05.2020 йил.
15.	Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун ошкор қилиниши муҳим деб билган бошқа маълумотлар:
	Жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун ошкор қилиниши муҳим деб билган бошқа маълумотлар мавжуд эмас.
II.	КЕЛГУСИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ЧИҚАРИЛИШINI МУОМАЛАГА КИРИТИШ ШАРТЛАРИ
16.	Келгуси акциялар чиқарилиши шартлари.
	Мазкур чиқарилиш, акциялар чиқарилиши бўлиб ҳисобланмайди.
17.	Келгуси облигациялар чиқарилиши шартлари:
	а) облигациялар чиқарилиши ҳақида маълумотлар:
	облигациялар тури:
	Эгасининг номи ёзилган фоизли облигациялар
	облигациянинг номинал қиймати, сўмда: (Агар бир дона облигациянинг номинал қиймати индексация қилинган миқдор бўлса, қўшимча равишда бир дона облигациянинг номинал қиймати ҳисоблаш тартиби кўрсатилади. Рақамлар ва сўзлар билан кўрсатилади)
	1 000 000 (бир миллион) сўм
	облигациялар сони: (Рақамлар ва сўзлар билан кўрсатилади)
	300 000 (уч юз минг) дона
	облигациялар чиқарилишининг умумий ҳажми: (Рақамлар ва сўзлар билан кўрсатилади)
	300 000 000 000 (уч юз миллиард) сўм
	тўлов усули ва жойлаштириладиган облигациялар нархи (қиймати). (Ундан ташқари, облигацияларни жойлаштириш нархини белгилаш тартиби кўрсатилиши мумкин. Агар ушбу чиқарилиш овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқарилиши бўлса, қўшимча равишда овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган облигацияларни олиш имтиёзли ҳуқуқига эга бўлган шахсларга облигациялар нархи ва жойлаштириш нархини белгилаш тартиби кўрсатилади)
	Облигациялар учун тўлов нақдсиз ҳисоб-китоблар орқали Ўзбекистон Республикасининг пул бирлигида (сўмда) қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси қоидаларига мувофиқ пул маблағлари билан амалга оширилади. Облигациялар бўйича пул бўлмаган воситалар билан тўловлар кўзда тутилмаган. Облигациялар учун пул бўлмаган воситалар ва мол-мулк шаклида тўлаш кўзда тутилмаган. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар жойлаштириш баҳоси – бир дона облигация учун облигацияларни жойлаштиришни бошлаш санасида ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматига тенг, облигацияларни жойлаштиришни бошлаш санасидан иккинчи кундан бошлаб ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати ва ҳисобланган фоизли даромад (ҲФД) йиғиндисига тенг. ҲФД қуйидаги формула асосида аниқланади: $\text{ҲФД} = \text{Nom} * C(\%) * ((T+2 - Ti) / 365), \text{ бунда}$ ҲФД – Ҳисобланган фоизли даромад, сўм; Nom – бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 (бир миллион) сўм. C(%) – фоизли даромад ставкаси: йиллик 16,5% (ўн олти бутун ўндан беш фоиз); T+2 – облигациялар жойлаштирилган (олди-сотти битим) санасидан иккинчи иш куни; Ti – облигацияларнинг муомала даври бошланиш санаси. Эслатма: Бир дона облигациянинг жойлаштириш нархи бир тийингача, яъни вергулдан кейин иккинчи рақамгача аниқлаштирилади ва математик йўл билан яхлитланади. Агар яхлитланаётган рақамдан кейинги биринчи рақам 0 дан 4 гача бўлса, бутун тийиннинг



	қиймати ўзгармайди. Агар яхлитланаётган рақамдан кейинги биринчи рақам 5 дан 9 гача бўлса, бутун тийиннинг қиймати 1 га оширилади. Облигация жойлаштириш нархи 1 000 000 (бир миллион) сўмдан паст белгиланиши мумкин эмас. Бунда, жойлаштиришда даромадликнинг мумкин бўлган максимал фоизи йиллик 16.5% (ўн олти бутун ўндан беш фоиз) дан ошмайди.
	Б) облигациялар бўйича даромад олиш:
	облигациялар бўйича мукофотни аниқлаш тартиби; (Агар облигациялар бўйича мукофотни аниқлаш тартиби индексация қилинган миқдор бўлса, қўшимча равишда бундай миқдорни ҳисоблаш тартиби кўрсатилади) Облигациялар бўйича мукофот ставкаси облигациялар муомалада бўлган бутун муддат учун қатъий белгиланган бўлиб, облигациялар номинал қийматининг йиллик 16,5% (ўн олти бутун ўндан беш фоиз) фоизини ташкил этади. Облигация эгаси ўтган оралиқ давр учун облигациянинг номинал қийматидан (амалдаги солиқ қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда фоизли даромадларни тўлаш манбаидан солиқ ушлаб қолинишини ҳисобга олган ҳолда) облигацияларни чиқариш шартларида белгиланган тартибда фоизли даромад олиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир оралиқ давр учун битта облигацияга тўғри келадиган фоизли даромад миқдори қуйидаги формулага мувофиқ аниқланади: $ОФД = Nom * C(\%) * ((Tzi - Ti) / 365), \text{ бунда}$ <i>ОФД – бир дона облигациянинг фоизли даромади миқдори, сўм;</i> <i>Nom – бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 (бир миллион) сўм;</i> <i>C(%) – фоизли даромад ставкаси: йиллик 16,5% (ўн олти бутун ўндан беш фоиз);</i> <i>Ti – оралиқ давр биринчи куни;</i> <i>Tzi – оралиқ давр охири куни.</i>
	Облигациялар бўйича мукофотни тўлаш даврийлиги ва (ёки) облигациялар бўйича мукофотни тўлаш санаси:
	Ҳар бир облигация бўйича фоизли даромад муомала муддати давомида ҳар бири 3 ойлик 20 та оралиқ даврлар учун ҳисобланади ва тўланади. Бунда облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш оралиқ даврларнинг якунига ўрнатилган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигациялар эгалари реестрига асосан амалга оширилади. 1-чи оралиқ даврнинг бошланиши санаси облигацияларнинг муомала даври бошланиш санасига тўғри келади, шунингдек кейинги оралиқ даврларнинг бошланиш саналари муомала даври бошланиш санасидан тартиб бўйича 93, 185, 276, 366, 458, 550, 641, 732, 824, 916, 1007, 1097, 1189, 1281, 1372, 1462, 1554, 1646, 1737-чи кунларга тўғри келади. Облигация эгаларига фоизли даромадлар облигациялар муомала даврининг 92, 184, 275, 365, 457, 549, 640, 731, 823, 915, 1006, 1096, 1188, 1280, 1371, 1461, 1553, 1645, 1736, 1825-чи кунлари якунига шакллантирилган облигация эгалари реестри асосида тўлаб берилади. Агар реестр шакллантириш куни иш кунига тўғри келмаса, у ҳолда охириги иш куни ҳисобга олинади.
	Облигациялар бўйича мукофотни тўлашни бошлаш санаси:
	Ҳар бир облигация бўйича фоизли даромад муомала муддати давомида ҳар бири 3 ойлик 20 та оралиқ даврлар учун ҳисобланади ва тўланади. 1-чи оралиқ даврнинг бошланиши санаси облигацияларнинг муомала даври бошланиш санасига тўғри келади.
	Облигациялар бўйича мукофотни тўлаш тартиби ва усуллари, облигациялар бўйича мукофотни олиш усуллари:
	Облигациялар бўйича даромадлар ҳар бир оралиқ давр учун тўланадиган фоизли даромадлардан иборат. Облигация бўйича фоизли даромадларни тўлаш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан ҳар бир оралиқ даврнинг охириги куни якунига кўра шакллантирилган облигациялар эгалари реестри олинади. Эмитент томонидан облигациялар бўйича ҳисобланган фоизли даромадлар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан шакллантири-ладиган облигациялар эгалари реестрида қайд этилган маълумотлар асосида тўланади. Облигациялар эгалари реестри ёпилган кундан фоизли даромадлар тўлови реестрда қайд этилган облигация эгаларига уларнинг хизмат кўрсатувчи банклардаги реквизитларга 3 (уч) иш куни мобайнида амалга оширилади. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича фоиз даромадларининг тўлов графика эмитентнинг расмий веб сайтида (www.uzmrc.uz) облигацияларни жойлаштиришни бошлаш санасида ошкор этилади.



	Облигациялар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли даромадлар билан боғлиқ ахборот Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий веб сайтида (www.uzmrc.uz) қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор этилади. Эмитент фоизли даромадларни тўлаш учун олинган реестрида облигация эгасининг банк реквизитлари тўлиқ ва/ёки ахборот аниқ бўлмаслиги (ҳисоб рақами, банк коди ва бошқалар) сабабли ҳисобланган фоиз даромадининг тўлови кечиктирилиши, шунингдек бундай кечиктиришнинг оқибатлари юзасидан жавобгар бўлмайди. Облигациялар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли даромадлар тўғрисидаги ахборот ўрнатилган тартибда Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий веб сайтига (www.uzmrc.uz) жойлаштириш орқали ошкор этилади.
	В) облигацияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари:
	жойлаштириш усули:
	Ушбу чиқарилишдаги облигациялар чекланмаган доирадаги шахслар ўртасида очиқ обуна бўйича жойлаштирилади.
	Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сотиб олишга бўлган чекловлар: (Чекловлар кўрсатилаётганда, чеклов ўрнатишга асос бўлган ҳужжат(лар) ва (ёки) қонунчилик ҳужжатлари кўрсатилади)
	Ушбу чиқарилишдаги облигацияларни сотиб олишга чекловлар кўзда тутилмаган.
	Облигацияларни жойлаштириш муддати ва тартиби: (Облигациялар жойлаштирилишининг бошланиш ва тугаш санаси ёки жойлаштириш санасини белгилаш тартиби кўрсатилади. Агар облигацияларни жойлаштириш муддати облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги ҳар қандай маълумот ошкор қилинган сана кўрсатилиши билан белгиланса, бундай маълумотларни ошкор қилиш тартиби ҳам кўрсатилади)
	Облигацияларни жойлаштириш муддати – облигацияларни жойлаштириш муддати облигациялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 90 кун муддат ичида жойлаштирилади.
	Облигацияларни жойлаштиришни бошланиш санаси – ушбу чиқарилишдаги облигациялар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабар Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги Ягона корпоратив ахборот порталида (www.new.openinfo.uz), ошкор этилган санадан бошлаб 15 (ўн бешинчи) календарь куни ҳисобланади. Агар облигацияларни жойлаштиришнинг бошланиш санаси дам олиш кунига тўғри келса, ушбу ҳолда жойлаштиришнинг бошланиш санаси кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.
	Облигацияларни жойлаштиришни тугатиш санаси – ушбу чиқарилишдаги охириги облигация жойлаштирилган сана, бироқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 90 кундан ошмаслиги керак
	облигациялар реализация қилинадиган жойлар (қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчисининг номи ва унинг маълумотлари):
	“Тошкент” Республика фонд биржаси акциядорлик жамияти; Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик хиёбони, 107, info@uzse.uz www.uzse.uz +998 71 267-18-23.
	Г) облигациялар муомаласи тартиби ва шартлари (Облигациялар муомаласининг бошланиш ва тугаш санаси ёки муомала санасини белгилаш тартиби кўрсатилади)
	Облигацияларнинг муомала даври бошланиш санаси – облигацияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан иккинчи иш куни ҳисобланади.
	Облигацияларнинг муомала муддати – облигациялар муомала даври бошланиш санасидан бошлаб 1825 (бир минг саккиз юз йигирма беш) кун.
	Облигацияларни сўндириш бошланиш санаси – облигацияларнинг жойлаштиришни бошланиш санасидан 1828 (бир минг саккиз юз йигирма саккизинчи) кундан ҳисобланади.
	Агар облигацияларни ушбу чиқарилиши жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб 1828 календарь куни байрам ёки дам олиш кунига тўғри келса, облигацияларни сўндириш бошланиш санаси шу кунлардан кейинги биринчи савдо кунига кўчирилади.
	Облигациялар муомаласи уларнинг сотиб олиш ва сотиш, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган, облигацияларнинг эгаси алмашувига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Облигациялар биржа ва биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлиши шунингдек савдо тизимларида қонунчилик доирасида битим объекти бўлиши мумкин.
	Облигациялар муомаласи олди-сотди битимларини тузиш, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган, қимматли қоғозлар эгасининг ўзгаришига олиб келадиган бошқа ҳаракатлар билан амалга оширилади. Облигацияларга бўлган ҳуқуқлар олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кириш ва бериладиган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.
	Олувчи ёки андеррайтер акс этирилган облигация эгаларининг реквизитлари ҳаққонийлиги юзасидан (банк номи ва коди, ҳисоб-китоб рақамлари) эмитент жавобгар бўлмайди. Ташкил этилган бозорларда олди-сотди битимларини тузиш пайтида улар юзасидан ҳисоб-китоб қилиш муддатлари қимматли



	қоғозлар савдоси ташкилотчисининг қоидалари билан бошқа ҳолларда эса, олди-сотди шартномалари билан белгиланади.
	Д) облигацияларни сўндириш тартиби ва шартлари:
	облигацияларни сўндириш санаси:
	Облигацияларни сўндириш бошланиш санаси – облигацияларнинг жойлаштиришни бошланиш санасидан 1828 (бир минг саккиз юз йигирма саккизинчи) кундан ҳисобланади. Агар облигацияларни ушбу чиқарилиши жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб 1828 календарь кунни байрам ёки дам олиш кунига тўғри келса, облигацияларни сўндириш бошланиш санаси шу кунлардан кейинги биринчи савдо кунига кўчирилади.
	Облигацияларни сўндириш усули: (Агар облигацияларни сўндиришда мувофот ва номинал қиймати тўловини амалга ошириш облигацияларни чиқарилиш рисоласига мувофиқ бошқа мулкӣ ҳуқуқлар билан амалга оширилса, ушбу ҳуқуқларнинг тавсифлари, уларни сақлаш усуллари, уларни баҳолаш тартиби ва ушбу ҳуқуқларни баҳолаш учун ваколатли шахслар кўрсатилади)
	Мазкур корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига тегишли облигацияларнинг эгалари ўзларига тегишли облигацияларга тўлиқ сўндириш санасигача эгалик қилиш ҳуқуқига эга. Эмитент облигацияларни сўндириш санасига Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигациялар эгалари реестри асосида облигацияларнинг номинал қийматида пул маблағларини қайтаради. Сўндириш амалга оширилиши пул маблағларини (номинал қиймати ва охириги оралиқ давр учун фоизли даромад) ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Мазкур реестр Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсидан сўндириш кунидан 5 (беш) иш кунни давомида олинади. Пул маблағларини қайтариш муддатлари Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси томонидан шакллантирилган облигациялар эгалари реестри олинган кунидан бошлаб 3 (уч) иш кунни давомида амалга оширилади. Тўловларни амалга ошириш мақсадида ажратилган кунлар учун фоизлар тўланмайди. Облигациялар эгалари реестрида акс эттирилган облигация эгаларининг реквизи́тлари ҳаққонийлиги юзасидан (хизмат кўрсатувчи банк номи ва коди, ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқалар) эмитент жавобгар бўлмайди.
	Е) облигацияларни муддатидан олдин сўндириш имконияти ва шартлари: (Муддатидан олдин сўндириш нархи (қиймати) (ёки муддатидан олдин сўндириш нархини (қийматини) белгилаш тартиби), облигациялар муддатидан олдин сўндириш учун тақдим этилиши мумкин бўлган муддат, шунингдек, жамият томонидан муддатидан олдин сўндириш тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш тартиби кўрсатилади)
	Ушбу чиқарилишдаги облигациялар муддатидан олдин сўндириш кўзда тутилмаган бўлиб, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно: – Эмитентнинг капитали миқдори ушбу чиқарилишдаги сўндирилмаган облигациялар ҳажмидан камайганида (облигациялар эгасининг талабига кўра). Эмитентнинг капитал миқдори ҳақидаги маълумотлар унинг расмий веб-сайтида (www.uzmrc.uz) ҳисобот даври якунига кўра мунтазам равишда эълон қилиб борилади. Агар маълумотлар белгиланган муддатда ошкор қилинмаса, облигациялар эгаси уларни тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга; – Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида, облигациялар бўйича мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишини ва етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилиш. Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумот Қонунчиликка мувофиқ Корпоратив ахборотларнинг ягона порталида (openinfo.uz) ва эмитентнинг расмий веб-сайтида (www.uzmrc.uz) ошкор этилади. Агар маълумот жойлаштирилмаган бўлса, облигациялар эгаси уни тақдим этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга; – Эмитентнинг фаолияти тугатилганида; – Агар эмитент облигацияларининг чиқарилиши амалга ошмаган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилган бўлса. Эмитент юқорида кўрсатилган ҳолатлар юз берганидан сўнг 2 (икки) иш кунни ичида ушбу ҳақиқат тўғрисидаги расмий хабарни Корпоратив ахборотларнинг ягона порталида (openinfo.uz) ва эмитентнинг расмий веб-сайтида (www.uzmrc.uz) эълон қилиш орқали облигациялар эгаларига маълум қилади. Облигациялар муддатидан олдин сўндирилганда, эмитент Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига облигациялар муомаласини тўхтатиш ва ушбу тўхтатиш санасига облигациялар эгалари реестрини тузиш бўйича топшириқ беради. Облигациялар эгалари хабарномани олган вақтдан бошлаб 10 (ўн) календарь кун ичида эмитентга облигацияларни сотиб олиш тўғрисида барча зарур реквизи́тларни ва хизмат кўрсатувчи банклардаги депозит ҳисобварақларини кўрсатган ҳолда ёзма ариза юборишлари шарт. Эмитент облигациялар эгаларига номинал қиймат ва ҳисобланган фоиз даромадларини ариза олинган пайтдан эътиборан 10 (ўн) календарь кун ичида тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Қайта сотиб олиш тўғрисида ариза бермаган облигациялар эгалари ўзларига тегишли облигацияларни мазкур облигациялар чиқарилишининг мазкур Қарорида кўрсатилган муомала муддати тугаганидан кейин сўндириш ҳуқуқига эга. Облигациялар муддатидан олдин сўндирилиши тўғрисидаги ахборот белгиланган тартибда Корпоратив ахборотларнинг ягона порталида (openinfo.uz) ва Эмитентнинг расмий веб-сайтида (www.uzmrc.uz) жойлаштирилади.



	Ж) қимматли қоғозлар чиқарилиши ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, жамият томонидан облигациялар учун тўлов сифатида олинган маблағларни қайтариш тартиби: (Ушбу облигациялар чиқарилишини амалга ошмаган деб топилган тақдирда, эмитент амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ушбу факт тўғрисида расмий хабарнома эълон қилади. Эмитент амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда облигация эгаларига олинган облигацияларни номинал қийматида, ҳамда облигация бўйича номинал қийматига нисбатан ҳисобланган фоиз даромадларини мазкур чиқарилиш амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида қайтаради. Облигациялар чиқарилишини амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, эмитент тегишли қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб икки иш куни ичида қуйидаги манзилларда эълон қилинади: – Корпоратив ахборотнинг Ягона порталида (www.new.openinfo.uz). – Жамиятнинг расмий веб-сайтида (www.uzmrc.uz). – “Тошкент” Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz).
	З) айирбошланадиган облигациялар тўғрисида маълумот: (Айирбошланадиган облигациялар чиқарилганда қўшимча равишда қуйидаги маълумотлар кўрсатилади: акцияларга айирбошланадиган облигациялар тури, сони ва жойлаштирилиш нархини аниқлашнинг тартиби, ушбу акциялар бўйича ҳуқуқлар; облигацияларни айирбошлаш тартиби ва шартлари; овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган облигацияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби. Овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган облигацияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқ берилган тақдирда: ушбу имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган шахсларнинг рўйхати тузилган сана (санани аниқлаш тартиби); шу тарзда жойлаштирилган облигацияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш имконияти тўғрисида хабардор қилиш тартиби; шу тарзда жойлаштирилган облигацияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби; облигацияларни овоз берувчи акцияларга айирбошлаш тартиби кўрсатилади.)
	Ушбу чиқаришда облигациялар айирбошланмайди.
	И) ушбу чиқарилишдаги облигациялар бўйича таъминот: (Кўрсатилади: таъминот тури; таъминотнинг пулдаги қиймати; таъминотни тақдим этган юридик шахсга — тўлиқ фирма номи, жумладан, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, солиқ тўловчининг индивидуал рақами; солиқ тўловчининг Ф.И.О., яшаш манзили ва индивидуал рақами (таъминотни тақдим этган жисмоний шахс учун. Таъминот иккита ёки ундан ортиқ объект, таъминот тури билан, шунингдек, иккита ёки ундан ортиқ шахс томонидан тақдим этилган бўлса, ҳар бири бўйича ахборот алоҳида кўрсатилади.)
	Ушбу чиқарилишдаги облигациялар таъминотсиз муомалага чиқариладию
	К) гаров сифатида тақдим этилган мол-мулкни баҳолашда қатнашган баҳоловчи ташкилотлар тўғрисидаги маълумотлар: (Кўрсатилади: тўлиқ номи, шу жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шакли; жойлашган манзили ва боғланиш учун маълумотлар; ташкилотга профессионал фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензия рақами ва санаси; гаров сифатида тақдим этилган мол-мулкни баҳолаш учун жалб қилинган ташкилотлар билан тузилган шартноманинг санаси ва рақами)
	Ушбу облигациялар чиқарилишида таъминот назарда тутилмаган, шу муносабат билан баҳоловчи ташкилот жалб қилинмаган.
	Л) банк кафолатини тақдим этган банк тўғрисидаги маълумотлар: (Кўрсатилади: тўлиқ номи, жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шакли; жойлашган манзили ва боғланиш учун маълумотлар; кафолат шартномаси рақами ва санаси, шунингдек, кафолатнинг муддати ва шартлари)
	Ушбу облигациялар чиқарилишида банк кафолати кўзда тутилмаган.
	М) облигацияларнинг ушбу чиқарилиши бўйича жамиятнинг мажбуриятларини суғурталаган суғурта ташкилоти тўғрисида маълумотлар: (Кўрсатилади: тўлиқ номи, жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шакли; жойлашган манзили ва боғланиш учун маълумотлар; суғурта полиси ва10 суғурта шартномаси рақами ва санаси)
	Ушбу облигациялар чиқарилишида суғурта компанияси томонидан суғурта қилиш кўзда тутилмаган.
	Н) облигацияларни жойлаштиришдан олинган пуллардан фойдаланишнинг мақсади: (Жамиятнинг облигацияларни жойлаштиришдан оладиган пуллардан фойдаланишининг аниқ мақсадлари кўрсатилади.)
	Жамият томонидан облигацияларни жойлаштиришдан олинадиган пул маблағлари ипотека кредитларини қайта молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига йўналтирилади.
	О) облигациялар эгасига бериладиган ҳуқуқлар: (Кўрсатилади: жамиятдан облигациянинг номинал қийматини олиш ёки облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда (эмиссия рисоласида) назарда тутилган бошқа мол-мулкка тенг бўлган ҳуқуқни, шунингдек, облигация номинал қийматининг белгиланган фоиз улушини ёки облигацияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда (эмиссия рисоласида) назарда тутилган бошқа мулк ҳуқуқини олиш ҳуқуқи;



	амалга ошириш шартлари, тартиби ва муддатлари кўрсатилган ҳолда, шу жумладан, жамиятнинг ўз капитали миқдори камайганида ва унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида, жамият томонидан облигацияларни қайтариб сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқи. Бунда, жамиятнинг ўз капиталининг камайиши тўғрисидаги маълумотни ошкор қилиш тартиби кўрсатилиши керак; бошқа ҳуқуқлар)
	Мазкур чиқарилишдаги ҳар бир облигация ўз эгаларига бир хил ҳуқуқларни беради. Ушбу чиқарилишдаги облигациялар эгалари қуйидаги ҳуқуқларга эга: – Эмитентнинг ушбу қарор шартларига асосан белгиланган муомала даври якунида ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматида пул миқдорини олиш; – Эмитентдан ушбу қарор шартларига асосан белгиланган оралиқ даврлар якунида ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматига нисбатан ҳисобланган фоизли даромадларни олиш; – Эмитентнинг илгари чиқарилган сўндирилмаган ва ушбу чиқарилишдаги жами облигациялар ҳажмидан ўз капитали миқдори камайганида муддатидан олдин эмитент томонидан облигацияларни ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматида қайтариб сотиб олишни талаб қилиш. Эмитентнинг ўз капитали миқдори ҳақидаги маълумот эмитентнинг расмий веб сайтида (www.uzmrc.uz) мунтазам равишда ҳисобот квартали якунидан сўнг белгиланган тартиб ва шаклда ошкор этилади. Эмитентнинг ўз капитали миқдори ҳақидаги маълумот юқоридаги муддатда ошкор этилмаган тақдирда эмитентдан бундай маълумотни тақдим этишни талаб қилиш; – Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида муддатидан олдин эмитент томонидан облигацияларни ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматида қайтариб сотиб олишни талаб қилиш. Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганида Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий веб сайтида (www.uzmrc.uz) қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор этилади. Эмитентнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгаргани ҳақидаги маълумот ошкор этилмаган тақдирда эмитентдан бундай маълумотни тақдим этишни талаб қилиш; – Эмитентнинг облигациялари чиқарилиши амалга ошмаган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда, эмитент томонидан облигацияларни ушбу чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қийматида қайтариб сотиб олиниши ва ушбу қарор шартларида белгиланган тартибда ҳисобланган фоизни талаб қилиш. Эмитентнинг облигациялари чиқарилиши амалга ошмаган ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра ҳақиқий эмас деб тан олинган тақдирда Корпоратив ахборотлар ягона порталида (openinfo.uz) ҳамда эмитентнинг расмий веб сайтида қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда ошкор этилади; – Иккиламчи фонд бозорида мазкур корпоратив облигацияга бўлган талаб ва таклифдан келиб чиққан нархда ўзига тегишли корпоратив облигацияларни облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор шартларига асосан исталган вақтда учинчи шахсга сотиш ва қайта сотиб олиш, ёки қонун ҳужжатларда белгиланган бошқа йўллар билан бошқа шахсга бериш; – Инвестиция воситачисидан ва (ёки) Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан депо ҳисобварағидан ўзига тегишли қўчирма олиш; – Қимматли қоғозлар бозорида ўз таваккалчиликларини қонун белгиланган тартибда суғурта қилиш; – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.
	П) инвестор томонидан сотиб олинган облигациялар бўйича олинган даромадни солиққа тортиш тўғрисидаги маълумот:
	Облигациялар бўйича олинган даромадларга Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ солинади. 2025 йил 21 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг № ПФ-26 қарорига мувофиқ: Ўзбекистон Республикасининг резиденти ва норезиденти бўлган юридик шахсларнинг ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари ва улар қошидаги махсус ваколатли ташкилотлар томонидан 2030 йил 1 январга қадар эмиссия қилинган облигациялар бўйича ҳисобланган даромадлари фойда солиғидан озод қилинади. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият облигациялар эгасидан даромад солиғини ушлаб қолишга мажбур бўлса, облигациялар эгаси эса имтиёзга эга бўлса (ушбу фаолият тури бўйича даромад солиғидан озод қилишни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси томонидан берилган преференциялар), у ҳолда облигациялар эгаси, агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, Жамиятга ёзма хабарнома тақдим этиши шарт. Хабарнома қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: 1. имтиёз қўлланилишига асос бўлган норматив ҳужжатнинг номи (хатга ушбу норматив ҳужжатнинг нусхаси илова қилинади); 2. облигация эгасига нисбатан имтиёзни қўллаш учун асослар; 3. облигациялар эгасининг банк реквизитлари.



	Хабарнома Жамиятга ҳар бир оралиқ давр тугашидан камида 5 (беш) календар кун олдин тақдим этилиши керак. Агар қонун ҳужжатлари, норматив ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ўзгариши натижасида ушбу Облигациялар эмиссия рисоласининг айрим бандлари уларга зид келиб қолса, ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва ушбу Облигациялар эмиссия рисоласига ўзгартишлар киритилгунга қадар Эмитент инвесторга солиқ солиш ҳисоб-китобини амалга ошириш пайтида амалдаги қонунларга, Ўзбекистон Республикасининг қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига амал қилади.
	Р) рўй бериши оқибатида жамиятнинг облигациялари бўйича мажбуриятлар бажарилмаслиги эҳтимоли бўлган ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар: <i>(Кўрсатилади:</i> рўй бериши оқибатида жамиятнинг облигациялар бўйича мажбуриятларини бажарилмаслиги эҳтимоли бўлган ҳодисалар рўйхати; облигациялар бўйича мажбуриятларни бажариш имконсиз бўлган тақдирда жамият томонидан кўриладиган чоралар, жумладан, облигациялар бўйича фоизларни тўлаш мажбуриятлари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда облигация эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартиб-таомиллари, шу жумладан, мажбуриятларни реструктуризация қилиш тартиби ва шартлари; жамият томонидан облигациялар эгаларига, шу жумладан, бажарилмаган мажбуриятларнинг миқдори, мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги сабаблари, облигациялар эгаларининг ўз талабларини қондириш бўйича мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари рўйхати, облигациялар эгалари томонидан жамиятга, жамият зиммасидаги мажбуриятлар жамият томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича солидар ёки субсидиар жавобгар бўлган шахсларга даъво билан мурожаат қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотларнинг етказилиш тартиби, муддатлари ва усуллари; облигациялар бўйича жамият зиммасидаги мажбуриятлар жамият томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича солидар ёки субсидиар жавобгар бўлган шахслар билан тузилган шартнома санаси ва рақами, ушбу шахсларнинг тўлиқ номи, шунингдек уларнинг давлат рўйхатида олинган санаси (мавжуд бўлган тақдирда)
	Облигациялар бўйича компаниянинг мажбуриятлари бажарилиши мумкин бўлмаган ҳодисалар деганда, олдиндан айтиб бўлмайдиган ёки олдини олиш мумкин бўлмаган ҳолатлар, масалан, табиий офатлар, ҳарбий ҳаракатлар, ваколатли органларнинг чекловчи ёки тақиқловчи хусусиятга эга бўлган ҳужжатлари ва шунга ўхшаш вазиятлар тушунилади. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан эмитент номидан тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда мукофотни ва (ёки) номинал қийматни облигациялар эгалари манзилига ўтказиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги Эмитентнинг дефолти ҳисобланмайди. Облигация эгалари Жамият томонидан мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда даъво билан мурожаат қилиши мумкин. Жамият облигациялари бўйича дефолт юзага келган тақдирда, Эмитентнинг эмиссия проспекти бўйича мажбуриятларини бажариш муддати кўрсатилган ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари амал қиладиган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади. Бундай ҳодисалар содир бўлган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунни ичида маълумотлар компания томонидан Ягона корпоратив ахборот порталида (www.openinfo.uz), расмий веб-сайтида (www.uzmrc.uz) ва "Тошкент" фонд биржасининг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz) эълон қилинади. Жамиятнинг облигацияларни бажариш бўйича солидар ёки субсидиар жавобгарлиги белгиланган шахслар мавжуд эмас
	с) жамият облигациялар бўйича мажбуриятларини бажаришдан бош тортган тақдирда, облигациялар эгалари ҳаракатларининг тавсифи: <i>(Облигациялар бўйича даромадларни қайтариш ва тўлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш тартиби, бунда бажарилмаган мажбуриятлар миқдори, мажбуриятларнинг бажарилмаслигининг сабаби, шунингдек, облигациялар эгаларининг ўз талабларини қондириш бўйича мумкин бўлган ҳаракатлари рўйхати кўрсатилади)</i>
	Жамият облигациялар бўйича даромадларни тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, жамият Кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилинган пайтдан эътиборан 5 (беш) иш кунни ичида Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан юритиладиган облигациялар эгалари реестри маълумотлари асосида облигациялар эгалари ёзма равишда хабардор қилинади, шунингдек белгиланган тартибда бозор тартибини тиклаш чоралари кўрилади. Жамият облигациялар бўйича мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жамиятнинг Кузатув кенгаши мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги сабабларини ва облигациялар эгалари талабларини қаноатлантириш учун амалга оширилган ҳаракатларни таснифлайди. Агар жамият облигациялар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, облигация эгалари куйидаги чораларни кўришлари мумкин: – Қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни бажариш тўғрисидаги сўров билан тегишли давлат органларига мурожаат қилиш; – Қимматли қоғозлар бозорида қимматли қоғозлар эгалари ҳуқуқлари бузилганлиги устидан ваколатли судга шикоят қилиш; – Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органига бозор қоидалари бузилганлиги тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш; – Давлат органларига ариза билан мурожаат қилиш.
	Т) жамиятнинг тўлов агенти тўғрисидаги маълумот (мавжуд бўлган тақдирда): <i>(Кўрсатилади:</i> тўлов агентининг тўлиқ номи;



	жойлашган манзили ва боғланиш учун маълумотлар; жамият ва тўлов агенти ўртасидаги шартноманинг санаси ва рақами. Агар облигациялар чиқарилишида облигациялар бўйича мажбуриятларнинг нақд пулда тўланиши кўзда тутилган бўлса, маълумотлар мажбурий равишда ошкор қилинади)
	Ушбу чиқарилишда Тўлов агенти кўзда тутилмаган
17 ¹	Мазкур чиқарилув асос учун бўлган серияли облигациялар дастури тўғрисидаги маълумотлар (облигация дастури доирасида илгари чиқарилган ва жойлаштирилган облигациялар сони, умумий ҳажми, рўйхатдан ўтган сана, рақами ва ҳоказо):
	Мазкур чиқарилув серияли облигациялар дастури асосида амалга оширилмайди.
III.	ЭМИССИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТЛАР
18.	Ушбу қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган жамият органи ва қарор қабул қилинган сана:
	Эмитент 2026-йил 17-феврал санасидаги Кузатув кенгаши мажлисининг қарори.
19.	Ушбу чиқарилиш бўйича жамият томонидан жалб қилинган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ҳақида маълумот: (Кўрсатилади: тўлиқ номи, жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шакли; жойлашган манзили ва боғланиш учун маълумотлар; ташкilot профессионал фаолият юритиши учун берилган лицензия рақами ва санаси. Жамият томонидан инвестиция маслаҳатчиси жалб қилинган тақдирда, рўйхатдан ўтказувчи органга фаолият бошланиши тўғрисида хабарнома юборганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади; жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида тузилган шартномаси санаси ва рақами)
	Андеррайтер тўғрисида маълумот: «ALKES RESEARCH» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ («ALKES RESEARCH» МЧЖ), Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Мустакиллик шоҳ кўчаси, 107, +998(99)9288829, +998(33)9572222, info@alkes.co , www.alkes.co . «ALKES RESEARCH» МЧЖ қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 февралда берилган №1434-сонли лицензия асосида олиб боради. Жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида андеррайтинг хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартноманинг санаси ва рақами: «12» февраль 2026-йилдаги №4121281-сон.
20.	Мустақил аудитор тўғрисидаги ахборот: (Кўрсатилади: сўнги тугалланган 2022, 2023, 2024 молия йилида жамият молия ҳисоботи аудитини амалга оширган аудиторлик ташкilotининг тўлиқ расмий номи (аудитор Ф.И.О.); жойлашган манзили ва алоқа маълумотлари; Бўш катакда жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўрсатилади)
	1. Тўлиқ номи: Аудиторлик ташкilotи “KPMG Audit” МЧЖ (аудитор Андрей Кузнецов)-2024 йил Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107-В уй. Мурожаат учун телефонлар: +998 78 147-77-44 Факс: +998 78 147 77 44 Электрон почта: info@kpmg.co.uz Веб-сайт: www.kpmg.co.uz
	2. Тўлиқ номи: Аудиторлик ташкilotи “PFG MAK ALYANS” МЧЖ – 2023 йил Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани АВИАСОЗЛАР 1-ТОР КЎЧАСИ, 22-УЙ Мурожаат учун телефонлар: +998 71 294-73-86 Факс: +998 71 294-73-86 Электрон почта: info@pkf.uz Веб-сайт: www.pkf.uz
	3. Тўлиқ номи: Аудиторлик ташкilotи “Grant Thornton” МЧЖ – 2022 йил Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 1-А Мурожаат учун телефонлар: +998 71 230-45-13 Факс: +998 71 244-47-43 Электрон почта: audit@uz.gt.com Веб-сайт: www.grantthornton.uz
20 ¹	Облигацияларни жойлаштиришдан тушган маблағларни Миллий яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талабларига мувофиқ ишлатиш мақсади тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун)
	Ушбу чиқарилиш яшил облигациялар чиқарилиши ҳисобланмайди.
20 ²	Миллий яшил таксономия ва/ёки бошқа эквивалент таксономиялар талаблари доирасида эришиладиган режалаштирилган натижалар (KPI) тўғрисида маълумот (яшил корпоратив облигациялар учун).
	Ушбу чиқарилиш яшил облигациялар чиқарилиши ҳисобланмайди.



20 ³	Яшил стандартларга мувофиқлик сертификатининг мавжудлиги, шунингдек, бундай сертификатни берган ташкилот тўғрисидаги маълумотлар (яшил корпоратив облигациялар учун). Ушбу чиқарилиш яшил облигациялар чиқарилиши ҳисобланмайди.
21.	Мазкур чиқарилиш билан боғлиқ тегишли хизматларни кўрсатиш бўйича шартнома тузилган юридик ва молия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг тўлиқ номи: Мазкур чиқарилиш билан боғлиқ тегишли хизматларни кўрсатиш бўйича юридик ва молия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан шартнома тузилмаган.
22.	Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташкилотлар тўғрисида маълумот: (Кўрсатилади: тўлиқ номи, жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шакли; жойлашган манзили ва боғланиш учун маълумотлар; қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи ташкилот билан тузилган шартнома санаси ва рақами) Марказий депозитарий тўғрисида маълумот: Тўлиқ номи: «Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси» акциядорлик жамияти. Ташкилий-ҳуқуқий шакли: Акциядорлик жамияти (АЖ). Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107-уй. Мурожаат учун телефонлар: +998 71 267-37-42, +998 71 267-35-92. Факс: +998 71 267-37-42. Электрон почта: info@uzcsd.uz Веб-сайт: www.uzcsd.uz Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги 263-сонли қарори асосида амалга оширади. Андеррайтер тўғрисида маълумот: «ALKES RESEARCH» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ («ALKES RESEARCH» МЧЖ), Тошкент ш., Мирзо-Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107, +998(99)9288829, +998(33)9572222, info@alkes.co , www.alkes.co . «ALKES RESEARCH» МЧЖ қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2022 йил 28 февралда берилган No1434-сонли лицензия асосида олиб боради. Брокерлик ва депозитар хизматларини кўрсатиш бўйича 2024 йил 11 сентябрдаги 01/11-09-2024-сонли Шартнома.
23.	Рўйхатга олинган облигациялар чиқарилишлари тўғрисидаги маълумотлар: (Кўрсатилади: ҳар бир чиқарилишдаги облигацияларнинг умумий миқдори, тури ва номинал қиймати, облигациялар ҳар бир чиқарилишининг давлат рўйхатидан ўтган санаси, ҳар бир чиқариш бўйича жойлаштирилган облигациялар миқдори, шунингдек, облигацияларни жойлаштиришда жалб этилган маблағларнинг умумий миқдори, ҳар бир облигация чиқарилиши бўйича ҳисобланган ва тўланган мукофот миқдори, қайта сотиб олинган облигациялар миқдори; жойлаштирилмаган облигациялар фоизи, жойлаштирмаганлик сабаби (агар бундай ҳолат бўлса); жамиятнинг облигациялар эгалари олдидagi мажбуриятларини бажармаслиги ҳолатлари бўйича маълумотлар (облигациялар бўйича мукофотларни тўламаслик (тўловнинг кечиктирилиши), жумладан, бажарилмаган мажбуриятлар ҳажми ва қанча муддатга кечиктирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган, аммо тўлаб берилмаган мукофот миқдори (тур ва чиқаришлар бўйича алоҳида); маълум бир облигациялар чиқарилишини жойлаштириш ёки муомалага чиқариш тўхтатилган (тикланган) бўлса, бундай қарорни қабул қилган давлат органи, асос ва қарор қабул қилинган сана кўрсатилади. Маълумотлар ушбу облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор қабул қилинган санагача жамиятнинг барча рўйхатга олинган облигациялари тўғрисида хронологик тартибда берилади. Жамиятнинг сўндирилмаган айирбошланадиган облигациялари тўғрисидаги маълумотлар алоҳида кўрсатилади) 1. Иқтисодийёт ва молия вазирлиги томонидан 2023 йил 21 сентябрда P0912-1-сон билан давлат рўйхатига олинган (RU301P0912T7) “ЎЗИҚМК” АЖнинг Корпоратив облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 140 000 (Бир юз қирқ минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 140 000 000 000 (бир юз қирқ миллиард) сўм. - жойлаштирилган облигациялар сони: 140 000 (Бир юз қирқ минг) дона; - жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағлар: 140 000 000 000 (бир юз қирқ миллиард) сўм; - Ҳисобланган ва тўланган мукофот миқдори: 2024 йил – 26 672 876 712,33 сўм. 2025 йил учун - 26 600 000 000 сўм. - Қайта сотиб олинган облигациялар миқдори: Қайта сотиб олинмаган - Жойлаштирилмаган облигациялар фоизи ва сабаби: барчаси жойлаштирилган



	- Мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари: мавжуд эмас; - Облигациялар муомаласини тўхтатиш ёки тиклаш ҳолати: мавжуд эмас. 2. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2024 йил 26 июнда P0912-2-сон билан давлат рўйхатига олинган (RU302P0912T5) “ЎЗИҚМК” АЖнинг Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 150 000 (Бир юз эллик минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 150 000 000 000 (бир юз эллик миллиард) сўм. - жойлаштирилган облигациялар сони: 150 000 (Бир юз эллик минг) дона; - жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағлар: 150 000 000 000 (бир юз эллик миллиард) сўм. - Ҳисобланган ва тўланган мукофот миқдори: 2025 йил учун -28 343 835 616,44 сўм. 2026 йил учун - 14 289 041 095,89 сўм. - Қайта сотиб олинган облигациялар миқдори: Қайта сотиб олинмаган - Жойлаштирилмаган облигациялар фоизи ва сабаби: барчаси жойлаштирилган - Мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари: мавжуд эмас; - Облигациялар муомаласини тўхтатиш ёки тиклаш ҳолати: мавжуд эмас. 3. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2024 йил 11 сентябрда P0912-3 сон билан давлат рўйхатига олинган (RU303P0912T3) “ЎЗИҚМК” АЖнинг Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган яшил корпоратив облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли яшил корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 50 000 (эллик минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм. - жойлаштирилган облигациялар сони: 50 000 (эллик минг) дона; - жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағлар: 50 000 000 000 (эллик миллиард) сўм. - Ҳисобланган ва тўланган мукофот миқдори: 2024 йил учун – 2 219 178 082,19 сўм. 2025 йил учун - 9 000 000 000,00 сўм. - Қайта сотиб олинган облигациялар миқдори: Қайта сотиб олинмаган - Жойлаштирилмаган облигациялар фоизи ва сабаби: барчаси жойлаштирилган - Мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари: мавжуд эмас; - Облигациялар муомаласини тўхтатиш ёки тиклаш ҳолати: мавжуд эмас. 4. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2024 йил 08 ноябрда P0912-4-сон билан давлат рўйхатига олинган (RU304P0912T1) “ЎЗИҚМК” АЖнинг Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 250 000 (Икки юз эллик минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 250 000 000 000 (Икки юз эллик миллиард) сўм. - жойлаштирилган облигациялар сони: 250 000 (Икки юз эллик минг) дона; - жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағлар: 250 000 000 000 (Икки юз эллик миллиард) сўм. - Ҳисобланган ва тўланган мукофот миқдори: 2025 йил учун -47 369 863 013,70 сўм. 2026 йил учун - 11 972 602 739,73 сўм - Қайта сотиб олинган облигациялар миқдори: Қайта сотиб олинмаган - Жойлаштирилмаган облигациялар фоизи ва сабаби: барчаси жойлаштирилган - Мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари: мавжуд эмас; - Облигациялар муомаласини тўхтатиш ёки тиклаш ҳолати: мавжуд эмас. 5. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2025 йил 14 мартда P0912-5-сон билан давлат рўйхатига олинган (RU305P0912T8) “ЎЗИҚМК” АЖнинг Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 200 000 (Икки юз минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 200 000 000 000 (Икки юз миллиард) сўм. - жойлаштирилган облигациялар сони: 200 000 (Икки юз минг) дона; - жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағлар: 200 000 000 000 (Икки юз миллиард) сўм.
--	--



	- Ҳисобланган ва тўланган мукофот миқдори: 2025 йил учун -27 024 657 534,25 сўм. - Қайта сотиб олинган облигациялар миқдори: Қайта сотиб олинмаган - Жойлаштирилмаган облигациялар фоизи ва сабаби: барчаси жойлаштирилган - Мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари: мавжуд эмас; - Облигациялар муомаласини тўхтатиш ёки тиклаш ҳолати: мавжуд эмас. 6. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2025 йил 20 ноябрда P0912-6-сон билан давлат рўйхатига олинган (RU306P0912T6) “ЎЗИҚМК” АЖнинг Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 200 000 (Икки юз минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 200 000 000 000 (Икки юз миллиард) сўм. - жойлаштирилган облигациялар сони: 200 000 (Икки юз минг) дона - жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағлар: 200 000 000 000 (Икки юз миллиард) сўм. - Ҳисобланган ва тўланган мукофот миқдори: ҳужжатлар топширилган санага ҳолатига кўра, фоизлар (мукофот) тўлаш муддати ҳали етиб келмаган - Қайта сотиб олинган облигациялар миқдори: йўқ - Мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари: мавжуд эмас 7. Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2025 йил 05 декабрда P0912-7-сон билан давлат рўйхатига олинган (RU307P0912T4) “ЎЗИҚМК” АЖнинг Облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига асосан муомалага чиқарилган (корпоратив) облигациялар: - чиқарилишдаги облигацияларнинг кўриниши ва тури: эгасининг номи ёзилган, оддий, фоизли корпоратив облигациялар; - облигациялар чиқарилишининг шакли: ҳужжатсиз; - чиқарилишдаги облигацияларнинг номинал қиймати (сўм): 1 000 000 (Бир миллион) сўм; - чиқарилишдаги облигацияларнинг сони (дона): 200 000 (Икки юз минг) дона; - чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): 200 000 000 000 (Икки юз миллиард) сўм. - жойлаштирилган облигациялар сони: 200 000 (Икки юз минг) дона - жойлаштириш натижасида жалб этилган маблағлар: 200 000 000 000 (Икки юз миллиард) сўм. - Ҳисобланган ва тўланган мукофот миқдори: ҳужжатлар топширилган санага ҳолатига кўра, фоизлар (мукофот) тўлаш муддати ҳали етиб келмаган - Қайта сотиб олинган облигациялар миқдори: йўқ - Мажбуриятларни бажармаслик ҳолатлари: мавжуд эмас
IV.	ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ВА ИЖРО ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТ
24.	Жамият кузатув кенгаши аъзолари тўғрисидаги маълумотлар: (Кўрсатилади: кузатув кенгаши раиси ва аъзоларининг Ф.И.О. (кузатув кенгашида мустақил аъзо(лар) бўлса, улар ҳам кўрсатилади); кузатув кенгаши аъзолари сайланган сана ва уларнинг сўнги йил ичидаги ва ҳозирги вақтдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги хронологик тартибдаги маълумотлар; кузатув кенгаши ҳар бир аъзосига тегишли жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг жамият устав капиталидаги овоз берувчи акцияларнинг умумий ҳажмига фоиз нисбати. Бўш каттада жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўрсатилади. Ахборот жамиятнинг Кузатув кенгаши мавжуд бўлса ошкор этилади)
	1) Каршибаев Жасур Ҳазраткулович (Кузатув кенгаши раиси) 2023-йил 12-декабрда бўлиб ўтган “ЎЗИҚМК” АЖ Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қарори билан “ЎЗИҚМК” АЖ Кузатув кенгаши раислигига 3 йил муддатга сайланган. 2024-ҳозиргача: Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маслаҳатчиси 2) Иргашев Хамид Джумаевич (Кузатув кенгаши мустақил аъзоси) 2025-йил 22-майда бўлиб ўтган “ЎЗИҚМК” АЖ Акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг қарори билан “ЎЗИҚМК” АЖ Кузатув кенгашига мустақил аъзо бўлиб 3 йил муддатга сайланган. 2018-ҳозиргача: Бухгалтерия ва молия кафедраси профессори, Hult International Business School университети, Буюк Британия. 3) Kokulagupan Narayanasamy (Кузатув кенгаши мустақил аъзоси) 2025-йил 22-майда бўлиб ўтган “ЎЗИҚМК” АЖ Акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг қарори билан “ЎЗИҚМК” АЖ Кузатув кенгашига мустақил аъзоси бўлиб 3 йил муддатга сайланган. 2022 — ҳозиргача: Маслаҳатчи, Жаҳон банки. 4) Елена Клепикова (Кузатув кенгаши мустақил аъзоси) 2025-йил 22-майда бўлиб ўтган “ЎЗИҚМК” АЖ Акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг қарори билан “ЎЗИҚМК” АЖ Кузатув кенгашига мустақил аъзо бўлиб 3 йил муддатга сайланган. 2025–ҳозиргача : Халқаро Молия Корпорацияси (IFC)да катта эксперт. 5) Зулфукоров Джуро Исмаилович (Кузатув кенгаши аъзоси) 2025-йил 22-майда бўлиб ўтган “ЎЗИҚМК” АЖ Акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг қарори билан “ЎЗИҚМК” АЖ Кузатув кенгашига аъзоси бўлиб 3 йил муддатга сайланган.



	2018–hozirgacha: “Ипотека-банк” АТИЖБТ, Ўзбекистон. Бошқарув раиси ўринбосари, ҳудудлардаги давлат дастурлари ва лойиҳалари бўйича раҳбар. 6) Худайберганов Илҳом Нематуллаевич (Кузатув кенгаши аъзоси) 2024-йил 27-июнда бўлиб ўтган “ЎЗИҚМК” АЖ Акциядорларининг йиллик умумий йиғилишининг қарори билан “ЎЗИҚМК” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси бўлиб 3 йил муддатга сайланган. 2023–hozirgacha: “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ, Ўзбекистон. Молиявий ресурсларни бошқариш директори. 7) Мамажонов Иқболжон Икромович (Кузатув кенгаши аъзоси) 2023-йил 12-декабрда бўлиб ўтган “ЎЗИҚМК” АЖ Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қарори билан “ЎЗИҚМК” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси бўлиб 3 йил муддатга сайланган. 2020–hozirgacha : “Ўзмиллийбанк” АЖ чакана бизнес блоки раҳбари қарори билан “ЎЗИҚМК” АЖ Кузатув кенгаши аъзоси бўлиб 3 йил муддатга сайланган.
25.	Жамият кузатув кенгаши қўмиталари тўғрисидаги ахборот: (Қўмита номи, унинг вазифа ва функциялари, шунингдек, таркиби кўрсатилади. Маълумот жамият кузатув кенгаши қўмитаси мавжуд бўлган тақдирда ошкор қилинади) Аудит қўмитасининг вазифалари қуйидагилардан иборат: • ички назорат ва рискларни бошқариш тизимлари умумий самарадорлигини, шу жумладан бюджетлаштириш ва ходимлар билан боғлиқ масалаларни баҳолаш; • Жамият ички аудит тизими ва тартиботларининг ишончлилиги ва самарадорлигини таъминлаш; • Қўмитанинг иш режасига асосан ички аудит хизмати ҳисоботларини ўрганиш ва натижаларини Жамият Кузатув кенгашига тақдим қилиш; • Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари (бундан буён матнда –МҲХС талабларига мувофиқ тузилган йиллик ҳисобот, йиллик бухгалтерия ҳужжатлари ва молиявий ҳужжатлар тайёрланишини назорат қилиш, ҳамда улардаги маълумотларнинг шубҳасиз тўғрилигини, шаффофлиги ва тўлиқлигини таъминлаш; • ички аудитор томонидан ташқи аудитор учун тайёрланган техник вазифаларни кўриб чиқиш, ташқи аудиторнинг таклифларини баҳолаш, Кузатув кенгашига ташқи аудиторни танлаш бўйича тавсиялар тайёрлаш ва ташқи аудитор фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш; • ички ва ташқи аудитни ўтказиш жараёнида аниқланган муаммолар ва камчиликларнинг бартараф этилиши, шунингдек аудиторлар тавсияларининг Жамият Ижроия органи томонидан бажарилишини назорат қилиш; • Корпоратив бошқарув кодексига, амалдаги қонунларга, норматив ҳужжатларга, ички ҳужжатларга, шу жумладан молиявий ҳужжатларни тайёрлаш соҳасидаги ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш. Рискларни бошқариш қўмитаси Жамият рискларни бошқариш тизимини назорат қилади ҳамда рискларни бошқариш ва ички назорат тизимларидан рискларни бошқариш учун Кузатув кенгаши томонидан белгиланган риск-аппетит, рискларни бошқариш сиёсати ва стратегиясига мувофиқ фойдаланилаётганлигига ишончни таъминлайди. Қўмитанинг Ижроия органи томонидан Жамиятга ўз стратегик мақсадларига эришишга тўсқинлик қилиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш, бошқариш, рискларга доир ҳисоботларни тақдим қилиш жараёнлари ва режалари жорий қилинишини таъминлайди. Қўмитанинг Жамият капитал ва ликвидликни унинг фаолиятига хос рискларга ва регуляторнинг норматив талабларига мувофиқ тегишли даражада таъминлаётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Номзодлик ва мукофотлаш қўмитасининг функцияларига қуйидагилар киради: Кадрлар масалалари, шу жумладан: а. Компаниянинг Кузатув Кенгашига Бош ижрочи директор ва компаниянинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари лавозимларига номзодларни танлаш мезонларини аниқлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; б. Компаниянинг Бош ижрочи директори ва муҳим аҳамиятга эга ходимлари лавозимларига номзодларни дастлабки кўриб чиқиш; в. Компаниянинг Бош ижрочи директори ва муҳим аҳамиятга эга ходимлари ишининг мезонлари ва баҳолаш тизимини кўриб чиқиш; г. Кузатув кенгаши аъзосининг мустақиллиги мезонларини кўриб чиқиш ва акциядорларни Кузатув кенгаши аъзолигига мустақиллик мезонларига жавоб берадиган номзодлар тўғрисида акциядорларни хабардор қилиш; д. Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар учун малака талаблари ишлаб чиқирилишини кўриб чиқиш ва Кузатув кенгашига тавсия этиш; е. Компаниянинг Бош ижрочи директори ва муҳим аҳамиятга эга ходимларининг ишини баҳолаш; ж. Кузатув Кенгашининг янги сайланган аъзолари учун эслатма (йўриқнома) ишлаб чиқишни кўриб чиқиш; з. Компаниянинг муҳим аҳамиятга эга ходимлари учун ўринбосар яратиш сиёсатини ишлаб чиқишни кўриб чиқиш.



	и. Кузатув кенгаши аъзолари фаолиятини баҳолашни ташкил этиш, баҳолаш натижаларини олдиндан кўриб чиқиш ва тегишли тавсиянома билан Кузатув кенгашига тақдим этиш. Мукофотлаш масалалари, шу жумладан: а. Кузатув кенгаши аъзолари, Бош ижрочи директори ва Компаниянинг муҳим аҳамиятга эга ходимларининг самарали ишлашини рағбатлантириш учун мўлжалланган Компаниянинг мукофотлаш сиёсати ва тизимини ишлаб чиқишни кўриб чиқиш; б. Кузатув кенгаши аъзолари ва раисига ҳақ тўлаш масаласида қўмита Компанияга Кузатув Кенгаши аъзоларининг ҳолислигига таъсир қилиши мумкинлигидан қўрқмасдан уларга етарли маош таклиф қилиш имконини берувчи мезонларни ишлаб чиқиш; в. Ижроия органи, Бош ижрочи директор ўринбосарлари, Ички аудит хизмати ходимлари ва Корпоратив маслаҳатчини мукофотлаш масаласи бўйича қўмита жамият фаолиятининг асосий молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари асосида белгиланган иш ҳақи, йиллик мукофот, имтиёзлар ва бошқа турдаги мукофотларни аниқлаш мезонларини, шунингдек, уларнинг манфаатларини акциядорларнинг манфаатларига мослаштиришга қаратилган узоқ муддатли мотивация тизими ва тўлов тизимини ишлаб чиқади ва вақти-вақти билан қайта кўриб чиқиш; г. Компаниянинг мукофотлаш борасидаги сиёсати ва у томонидан яратилган мукофотлаш тизими Компаниянинг ривожлантириш стратегиясига ва унинг молиявий ҳолатига, шунингдек меҳнат бозоридаги вазиятга мос келишини назорат қилиш; д. Акциядорлар умумий йиғилишларининг Кузатув кенгаши аъзоларига, Бош ижрочи директорга ва муҳим аҳамиятга эга ходимларга йиллик мукофот тўлаш тўғрисидаги қарорларининг бажарилишини, шунингдек Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот тўлаш тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор этилишини назорат қилиш. Компанияда корпоратив бошқарув тизими нуқтаи назаридан Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ, шу жумладан: а. Вақти-вақти билан Компаниянинг корпоратив бошқарув тизими билан боғлиқ ҳужжатларини, шу жумладан Устав, Низом ва Корпоратив бошқарув кодексини Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилигига, миллий ва халқаро амалиётга мувофиқлигини таъминлаш мақсадида кўриб чиқиш; б. Компаниянинг Корпоратив маслаҳатчиси билан яқиндан ҳамкорликда акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш; в. Корпоратив низоларни ҳал қилиш сиёсати ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва даврий кўриб чиқиш; г. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Ижроия органига одоб-ахлоқ кодексини ишлаб чиқишда ёрдам бериш; д. Такмиллаштириш талаб қиладиган алоҳида йўналишлар бўйича хулосаларни баҳолаш, Кузатув кенгаши аъзоларига тавсиялар ишлаб чиқиш ва маслаҳат бериш; е. Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ бошқа ҳаракатлар.
26.	Жамиятнинг коллегиял (якка) ижроия органи тўғрисида маълумотлар: <i>(Кўрсатилади: ижроия органи вазифасини якка бажарувчи шахснинг Ф.И.О. ёки коллегиял ижроия органи раҳбари ва аъзоларининг Ф.И.О.; ижроия органи вазифасини якка бажарувчи шахс сайланган сана, унинг ёки коллегиял ижроия органи аъзолари ваколатлари, сўнги 5 йил ичидаги ва ҳозирги вақтдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги хронологик тартибдаги маълумотлар; жамият ижроия органи вазифасини якка бажарувчи шахс ёки жамият коллегиял ижроия органига тегишли овоз берувчи акцияларнинг жамият устав капиталдаги овоз берувчи акциялар умумий ҳажмига фоиз нисбати. Бўш қатга жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўрсатилади)</i> “ЎЗИҚМК” АЖнинг жорий фаолиятига раҳбарлик якка Ижроия органи – Бош ижрочи директор томонидан амалга оширилади. Бош ижрочи директорнинг ваколати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатлари, “ЎЗИҚМК” АЖ Устави, Ижроия органи тўғрисидаги Низом ва меҳнат шартномаси билан белгиланади. Муроджон Фарманов “ЎЗИҚМК” АЖнинг Бош ижрочи директори ҳисобланади. У лавозимга Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 майдаги 02/1-1727-сонли топшириғи ва Осиё тараққиёт банкининг 2020 йил майдаги URM-2020-196-сонли хатига асосан 2020 йил 25 майдаги Ягона акциядор қарори билан тайинланган. Муроджон Фарманов инвестицион ва тараққиёт банки соҳасида 19 йиллик тажрибага эга, CFA (сертификатланган молиявий таҳлилчи профессионал маълумоти) эгаси ҳисобланади. Кузатув кенгашининг 2023 йил 15 июндаги мажлиси қарорига асосан Муроджон Фарманов “ЎЗИҚМК” АЖ Бош ижрочи директори этиб уч йилга тайинланган. Устав капиталдаги овоз берувчи акциялар улуши — 0%
27.	Жамият ижроия органининг вазифаси топширилган ташкилот тўғрисидаги маълумот: <i>(Кўрсатилади: бошқарув ташкилотининг тўлиқ номи, жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган манзили ва алоқа маълумотлари; бошқарув ташкилотининг ижроия органи вазифаларини якка тартибда бажарадиган шахснинг Ф.И.О., ёки бошқарув ташкилотининг коллегиял ижроия органи аъзолари ва кузатув кенгаши аъзоларининг Ф.И.О.; бошқарув ташкилотининг ижроия органи вазифаларини якка тартибда бажарадиган шахсга ёки бошқарув ташкилотининг коллегиял ижроия органи аъзолари ва кузатув кенгаши аъзоларига тегишли бўлган бошқарув ташкилотининг овоз берувчи акциялари (устав</i>



	<i>капиталидаги улушлари) бошқарувчи ташкилотнинг овоз берувчи акцияларининг (устав капиталидаги улушларнинг) умумий сонига фоиз нисбати; Маълумот ижроия органнинг ваколатлари бошқарув ташкилотига топширилган тақдирда ошкор қилинади)</i>			
	Мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар Жамият ижроия органининг вазифаси бошқа ташкилотга топширилмаган.			
28.	Мукофот ҳамда иш ҳақининг умумий миқдори, шунингдек, сўнгги 3 йил учун мазкур Рисоланинг 24, 26 ва 27-бандларида кўрсатилган жамиятнинг шахсларига берилган ва тўланган имтиёзлар: <i>(Бўш катакда жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўсатилади)</i>			
	Йил	2023	2024	2025
	Жамият Кузатов Кенгаши ва Ижроия Органига берилган ва тўланган имтиёзлар, сўм	2,970,581,357	3,428,214,036	1,244,812,942
29.	Жамиятнинг 5 ва ундан ортиқ фоиз акциялари (улуши)га эга бўлган акциядорлари (иштирокчилари): <i>(Кўрсатилади: акциядорнинг/иштирокчининг Ф.И.О., солиқ тўловчининг индивидуал рақами (жисмоний шахс учун); тўлиқ номи, солиқ тўловчининг индивидуал рақами, жойлашган манзили (юридик шахслар учун; кузатов кенгаши ҳар бир аъзосига тегишли жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг жамият устав капиталидаги овоз берувчи акцияларнинг умумий ҳажмига фоиз нисбати; таъсисчи ёки йирик акциядор (иштирокчи) жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг 5 ва ундан ортиқ фоизига ёки устав капиталидаги иштирок этиш улушига эгаллик қилишни бошлаган сана)</i>			
	1. Тўлиқ номи: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия Вазирлиги СТИР: 201122919 Жойлашган манзили: Истиқлол кўчаси, 29 Устав капиталидаги улуши: 34,38% Телефон: +99871-239-15-69 2. Тўлиқ номи: “Ўзмиллийбанк” АЖ СТИР: 200836354 Жойлашган манзили: Амир Темур шоҳ кўчаси, 101 Устав капиталидаги улуши: 9,95% Телефон: +99878-147-56-56 3. Тўлиқ номи: “Халқ банки” АТ СТИР: 207215726 Жойлашган манзили: Қатортол кўчаси, 46 уй Устав капиталидаги улуши: 9,67% Телефон: +99871-120-17-86 4. Тўлиқ номи: “Агробанк” АТБ СТИР: 207243390 Жойлашган манзили: Зокиров кўчаси 2А Устав капиталидаги улуши: 7.52% Телефон: +99871-203-88-88 5. Тўлиқ номи: “Бизнес ривожлантириш банки” АТБ СТИР: 206916313 Жойлашган манзили: Алишер Навоий кўчаси, 18А Устав капиталидаги улуши: 6,44% Телефон: +99878-150-76-65 6. Тўлиқ номи: “Асакабанк” АЖ СТИР: 201589828 Жойлашган манзили: Нукус кўчаси, 67 Устав капиталидаги улуши: 6,16% Телефон: +99878-147-65-65			
30.	Жамиятнинг бошқа аффилланган шахслари тўғрисидаги маълумотлар: Жамиятнинг аффилланган шахслари мазкур эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар 48 донани ташкил этади. Жамиятнинг аффилланган шахслари тўғрисидаги маълумотлар куйидаги ҳаволада кўрсатилган https://uzmrc.uz/uploads/afillangan_shaxslar/Afillangan%20rus.pdf			
V.	ЖАМИЯТИНИНГ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИ КЎРСАТКИЧЛАРИ			
31.	Жамият фаолияти турлари: асосий фаолият тури ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар (хизматлар) турлари; Аҳолининг турар жойга бўлган ўсувчи эҳтиёжини қондириш мақсадида банкларига узоқ муддатли молиявий ресурсларни тақдим этиш. Ипотека кредитларини қайта молиялаштириш учун миллий ва халқаро капитали бозорларида молиявий ресурсларни жалб қилиш, шу жумладан халқаро молиявий институтлар ва хорижий давлат молиявий ташкилотларидан олинган маблағлар. Қимматли қоғозлар эмиссияси, шу жумладан ипотека қимматли қоғозларини чиқариш ва уларни инвесторлар орасида жойлаштиришни ташкил этиш.			



	жамиятнинг лицензиялари (патентлари) тўғрисидаги маълумотлар.
	Жамият фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 майдаги "Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5715-сон Фармони асосида амалга оширилади. "Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" АЖ Ўзбекистон Республикаси Марказий Банк назорати қўмитасининг 2020 йил 1 июндаги 224/1-сонли қарорига мувофиқ.
32.	Жамиятнинг бозордаги улуши тўғрисидаги маълумот:
	2026 йил январ ҳолатига Жамият томонидан қайта молиялаштирилган ипотека кредитлари ҳажми Ўзбекистон банк секторига берилган барча ипотека кредитларининг 11 % ни ташкил этади.
33.	Соҳанинг келажақдаги тараққиёти борасидаги прогнозлар ва ушбу соҳадаги жамиятнинг ўрни:
	Ўзбекистонда демографик омиллар ва уй-жой фондини янгилаш зарурати туфайли ипотека кредитига барқарор талаб мавжуд. Ёш аҳолининг фаол ўсиши ва ипотека кредитларига бўлган талабнинг қондирилмаганлиги ҳозирги тенденцияларни сақлаб қолган ҳолда бозорнинг узоқ муддатли ривожланиши учун қулай шароит яратмоқда. 2025 йил учун асосий кўрсаткичлар: • Берилган ипотека кредитлари ҳажми 21,2 трлн сўмни ташкил этиб, 2024 га нисбатан 24 фоизга ошган. • Компаниянинг роли: "Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" АЖ мамлакат ипотека бозорини ривожлантиришда асосий вазифани бажаради, берилган ипотека кредитларини қайта молиялаштириш орқали тижорат банкларининг узоқ муддатли ликвидлигини таъминлайди ва шу билан аҳоли учун ипотека маҳсулотларининг қиймати ва ўзгарувчанлигини пасайтиради. • 2020 йилдан 2026 йилгача компания банкларга ажратган ресурсларидан 7,5 триллион сўмлик ипотека кредитлари шакллантирилди, бу ушбу даврда жами бозор ҳажмининг 9,0 фоизини ташкил этади. • 2025 йилда ажратилган кредитлар ҳажми 2,2 трлн сўмни (умумий ҳажмнинг 11 фоизи), қайта молиялаштирилган кредитларнинг жами ипотека кредитлари ҳажмидаги улуши 10,4 фоизни ташкил этди. Компаниянинг 2030-йилга келиб бозордаги иштирокини кенгайтириш, молия институтлари томонидан берилган ипотека кредитларининг тахминан 20% ни ҳар йили қайта молиялаштиришга эришиш ва молиялаштиришнинг 50 фоизини ички қарз капитали бозоридан жалб қилиш. Компания банк секторининг ипотека портфелида тахминан 15% улушга эришиши. Шу билан бирга, фармонга мувофиқ, "Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси" АЖ фаолияти доирасида ипотека облигацияларини чиқариш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган ташкилот ташкил этилди. Унинг ишлаши учун махсус ҳуқуқий режим – "Тартибга солиш кумдони" жорий этилди, бу эса компанияга ушбу механизмга қўшилиш ва инновацион воситаларни имтиёзли шартларда синаб кўриш имконини беради. Ипотека облигацияларини жойлаштириш ва уларнинг муомаласи "Тошкент" Республика фонд биржасида амалга оширилади. Юридик шахслар - резидентлар ва норезидентларнинг ушбу облигациялар бўйича даромадлари 2030 йил 1 январга қадар фойда солиғидан озод қилинади, бу эса ипотека қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш учун қўшимча рағбат яратади.
34.	Сўнгги 3 йил ичида ёки жамиятнинг расмий фаолияти даврида сотилган маҳсулотлар (бажарилган иш, хизматлар) ҳажми: (Бўш каттада жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўсатилади.)
	Сўнгги 3 йил ичида Жамият томонидан 4 560 170 925 362,30 (Тўрт триллион беш юз олти миш миллиард бир юз етмиш миллион тўққиз юз йигирма беш минг уч юз олти миш икки сўм 30 тийин) сўм миқдорида қайта молиялаштириш ипотека кредитлари ажратилган , яъни : • 2023 йилда 1 347 405 670 027,82 (Бир триллион уч юз қирқ етти миллиард тўрт юз беш миллион олти юз етмиш минг йигирма етти сўм 82 тийин) сўм • 2024 йилда 1 489 427 783 759,26(Бир триллион тўрт юз саксон тўққиз миллиард тўрт юз йигирма етти миллион етти юз саксон уч минг етти юз еллик тўққиз сўм 26 тийин) • 2025 йилда ва ҳисобот давригача 1 723 337 471 575,22 (Бир триллион етти юз йигирма уч миллиард уч юз ўттиз етти миллион тўрт юз етмиш бир минг беш юз етмиш беш сўм 22 тийин).
35.	Жамиятнинг ўз маҳсулотлари (ишлари, хизматлари)ни сотишни ташкил этиш бўйича фаолияти: (Кўрсатилади: жамият истеъмол қиладиган товарлар (иш, хизмат) умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизига тўғри келадиган етказиб берувчилар номи ва жойлашган манзили; жамият ишлаб чиқарадиган товарлар (иш, хизмат) умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини истеъмол қиладиган истеъмолчилар номи ва жойлашган манзили)
	Олинган молиялаштиришнинг умумий миқдорининг 10 фоизи ёки ундан кўпроғини ташкил этадиган Жамиятнинг кредиторлари: • Осиё Тараққиёт Банки. Манзил : 6 АБР Авеню, Мандалуйонг Сити 1550, Метро Манила, Филиппин.



	- Халқаро Молия Корпорацияси. Манзил: 2121 Пенсильвания Авеню, Шимоли-ғарбий Вашингтон, Колумбия округи 20433, АҚШ. Берилган кредитлар умумий кредит улушидан 10 фоизи ёки ундан кўпроғини ташкил этадиган Жамиятнинг қарз олувчилари: - АКИБ "Ипотека-банк". Манзил : 100000 Тошкент ш. Шахрисабз кўчаси 30 - АТБ "Хамкорбанк". Манзил: 170119 Андижон ш. Бобур шох кўчаси 85 - АТБ "Агробанк". Манзил: 100096 Тошкент ш. Муқимий кўчаси 43 - АТБ "СаноатҚурилишБанк". Манзил: 100000 Тошкент ш. Шахрисабз кўчаси 3
36.	Жамият фаолиятига таъсир қиладиган омиллар:
	а) жамият фаолияти асосий турлари бўйича савдо (иш, хизмат) даромадлилигига ижобий ва салбий таъсир қиладиган омиллар^
	Жамият банк бўлмаган молиявий-кредит ташкилоти бўлиб, унинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан тартибга солинади. Шу боис, Жамият ўз операцион фаолиятини Ўзбекистон иқтисодий муҳитида олиб боради ва мамлакатдаги тижорат банкларини кредитлашни амалга оширади. Жамият фаолиятига, биринчи навбатда мамлакатнинг макроиқтисодий конъюнктураси ва банк сектори молиявий ҳолати таъсир қилади. Яъни, Жамият олаётган ресурслар нархи ва берилаётган кредитларнинг фоиз ставкалари мамлакатдаги инфляция ставкаси, Марказий банкнинг асосий ставкаси ва Ўзбекистоннинг бизнес муҳитига тўғридан-тўғри боғлиқ. Бундан ташқари, берилаётган кредитларнинг қайтиб олинишига банк-қарз олувчиларнинг молиявий ҳолати ҳам тўғридан-тўғри таъсир қилади. Банк-қарз олувчилар Жамиятнинг тартибга солиниши Марказий банк томонидан амалга оширилиши ва Жамият потенциал қарз олувчиларни пухта танлаши сабабли, Жамият фаолиятига ижобий ва салбий таъсир этувчи омиллар минимал.
	б) жамиятнинг суд жараёнларидаги иштироки тўғрисидаги маълумотлар (Жамият фаолиятининг тўхтатилиши хавфи ёки ўзгариши, жамият активлари умумий ҳажмининг 10 (ўн) ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги пул ва бошқа мажбуриятларнинг ундирилиши билан боғлиқ суд жараёнларидаги иштироки тўғрисидаги маълумотларни кўрсатиш керак. Жамият қимматли қўғозларини харид қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда муҳим деб билган бошқа суд жараёнлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам ошкор қилиши мумкин)
	Жамият суд жараёнларида иштирок этмаган.
	в) ваколатли давлат органлари ва (ёки) суд томонидан сўнгги 5 йил давомида жамиятга ва унинг бошқарув органи аъзоларига нисбатан қўлланган барча маъмурий жазолар (санкциялар, жумладан молиявий) тўғрисидаги маълумотлар: (Санкцияни белгиллаган орган, сана, қўллаш сабаблари, ҳажми, шунингдек, ушбу санкциялар кимга нисбатан қўллангани ва рисола тасдиқланган санага уларнинг бажарилиши даражаси. Бўш каттада жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўрсатилади)
	Жамият ва унинг бошқарув органи аъзолари маъсул давлат органлари ва (ёки) суд томонидан маъмурий жазоларга учрамаган.
	г) таваккалчилик омиллари:
	жамият фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар: (Жамият фаолиятига хос ёки асосий молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ хавф-хатарлар, жумладан, қуйидагилар билан боғлиқ хатарлар тавсифланади: Маълум турдаги фаолиятни юритиш учун ёки муомаласи чекланган объектлар (жумладан, табиий ресурслар)дан фойдаланиш учун лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш имкониятининг йўқлиги; Учинчи шахслар, жумладан, жамиятнинг шўба ташкилотлари бўйича жамият жавобгарлиги; Савдо ҳажми маҳсулот (иш, хизмат)ни сотишдан олинadиган жами даромаднинг камида 10 (ўн) фоизига тўғри келадиган истеъмолчиларни йўқотиш эҳтимоли)
	Жамият ўз фаолиятида таваккалчиликнинг қуйидаги асосий турларига дуч келади: Кредит рисклари - Марказий банк томонидан тартибга солиш орқали юмшатилади. Жамият регуляторнинг пруденциал меъёрларини бузган банкларга кредит бермайди.
	тармоқ хавф-хатарлари: (Тармоқдаги вазият ёмонлашувининг жамият фаолияти ва ўз мажбуриятларини бажаришига таъсир қилиши мумкинлиги баён қилинади. Жамият фикрига кўра, тармоқда бўлиши мумкин бўлган энг аҳамиятли ўзгаришлар (ички ва ташқи бозорда алоҳида) кўрсатилади. Жамият ўз фаолиятида фойдаланadиган хомашё, хизматлар (ички ва ташқи бозорда алоҳида) нархларининг ўзгариши билан боғлиқ хатарлар алоҳида баён қилинади. Жамият маҳсулотлари ва (ёки) хизматлари нархларининг ўзгариши билан боғлиқ хатарлар (ички ва ташқи бозорда алоҳида), ва уларнинг жамият фаолиятига бўлган таъсири алоҳида баён қилинади)
	Бозор хатарлари - халқаро маслаҳатчилар иштирокида ишлаб чиқилadиган ва доимий равишда такомиллаштириладиган Жамиятнинг хатарларни бошқариш тизими орқали камайтирилади.
	молиявий хавф-хатарлар: (Жамият молиявий аҳволининг фоиз ставкалари, хорижий валютани айирбошлаш курси, шунингдек, қимматли қўғозларга бўлган бозор нархларининг салбий томонга ўзгаришига алоқадор хатарларга боғлиқлиги баён қилинади. Жамият молия активлари ва молия мажбуриятлари номувофиқлиги (жумладан, жамиятнинг бир ёки бир неча контрагентлари молия мажбуриятларини ўз вақтида бажармаслиги оқибатида) ва (ёки) қутилмаганда жамият молия мажбуриятларини зудлик билан бир вақтнинг ўзида амалга ошириш зарурати юзага келиши оқибатида жамият ўз мажбуриятларини тўла бажара олмаслиги билан боғлиқ хатарлар алоҳида баён қилинади. Молия хатарлари таъсирида молия ҳисоботининг қайси кўрсаткичлари ўзгаришга кўпроқ мойиллиги, уларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли ва ҳисоботда ўзгариши характери кўрсатилади)



	Ликвидилик хавфи - Жамият активлари ва мажбуриятларини самарали бошқариш орқали камайтирилади.
	ҳуқуқий хавф-хатарлар:
	Комплаенс рисклар – Марказий банк ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан тартибга солиш орқали юмшатилади.
	операцион хавф-хатарлар:
	Операцион хатарлар – халқаро маслаҳатчилар иштирокида ишлаб чиқиладиган ва доимий равишда такомиллаштириладиган Жамиятнинг хатарларни бошқариш тизими орқали камайтирилади.
	жамият қимматли қоғозларини харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун муҳим деб билган бошқа хавф-хатарлар:
	Ушбу эмиссия рисоласи тасдиқлангунга қадар Жамият ўз қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисидаги қарорга таъсир қилувчи бошқа аҳамиятли хатарларни аниқламаган.
37.	Хатарларни бошқаришда жамият сиёсати тўғрисидаги маълумотлар:
	Жамиятда таваккалчилик маданияти, таваккалчиликка йўналтирилган ёндашув ва операцион фаолиятни амалга оширишда учта ҳимоя чизиғи жорий этилган. Бундан ташқари, хавфларни бошқариш бўйича қуйидаги сиёсатлар ишлаб чиқилган: – Хавфларни бошқариш тизимига оид сиёсат – Кредит рискларини бошқариш сиёсати – Бозор хатарларини бошқариш сиёсати – Ликвидлик хавфини бошқариш сиёсати – Операцион хавфларни бошқариш сиёсати Жамиятнинг таваккалчиликларни бошқариш соҳасидаги барча сиёсатлари халқаро маслаҳатчилар иштирокида ишлаб чиқилади ва доимий равишда такомиллаштириб борилади.
38.	Жамиятнинг устав капитали тўғрисидаги маълумотлар:
	<i>(Кўрсатилади:</i>
	уставга кўра устав капитали ҳажми, сўмда;
	2026 йил 1 январ ҳолатига, Жамиятнинг устав капитали 1 396 226 571 000,00 сўм (Бир триллион уч юз тўқсон олти миллиард икки юз йигирма олти миллион беш юз етмиш бир минг сўм 00 тийин)
	ҳисоб баланси бўйича устав капитали ҳажми, сўмда;
	1 396 226 571 000,00 сўм (Бир триллион уч юз тўқсон олти миллиард икки юз йигирма олти миллион беш юз етмиш бир минг сўм 00 тийин)
	устав капиталининг тўланган қисми миқдори, сўмда;
	<i>Маълумот рақам ва ёзув билан кўрсатилади)</i>
	1 396 226 571 000,00 сўм (Бир триллион уч юз тўқсон олти миллиард икки юз йигирма олти миллион беш юз етмиш бир минг сўм 00 тийин)
39.	Жамиятнинг ўз капитали тўғрисидаги маълумотлар, сўмда:
	<i>(Рақам ва ёзув билан кўрсатилади)</i>
	2026 йил 01 январ ҳолатига, 1 609 969 869 271,25 (Бир триллион олти юз тўққиз миллиард тўққиз юз олтмиш тўққиз миллион саккиз юз олтмиш тўққиз минг икки юз етмиш бир сўм 25 тийин) ташкил этди
40.	Захира фонди тўғрисидаги маълумот:
	<i>(Кўрсатилади:</i>
	захира фондининг Устав бўйича миқдори, фоизда; қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага захира фондининг асл миқдори, минг сўм; Қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага қадар захира фонди шаклланмаган бўлса, ушбу ҳақида маълумот жавобда акс эттирилади)
	2026 йил 01 январ ҳолатига, Жамиятнинг капиталидаги захира фонди 9 346 575 (тўққиз миллиард уч юз қирқ олти миллион беш юз етмиш беш) минг сўмни ташкил этди.
41.	Асосий молиявий кўрсаткичлар:
	<i>(Жамият фикрига кўра, қимматли қоғозларни харид қилиш ҳақида қарор қабул қилиш учун бундай маълумотларни ошкор қилиш муҳим бўлган молиявий коэффициентлар кўрсатилади)</i>
	2026 йил 01 январ ҳолатига, Жамиятнинг асосий молиявий кўрсаткичлари:
	Кредит портфели - 5 585 800 487 минг сўм. Жами активлар - 7 397 506 098 минг сўм. Жами мажбуриятлар - 5 787 536 228 минг сўм. Жами Капитал - 1 609 969 869 минг сўм. Соф фойда – 204 396 723 минг сўм.
	ROAA – 3,2% ROAE – 17,3% CIR – 12,7% NIM – 4,1% NSFR – 106,3% Лeverаж коэффициенти -18,9% CAR – 189,8%



	Бир қарздор ёки ўзаро алоқадор қарздорлар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг юқори миқдори - 20,4% NPL – 0%
42.	Жамиятнинг ҳисоб юритиш сиёсати ҳақидаги маълумотлар: Жамиятда қуйидаги ҳисоб сиёсатлари қабул қилинган: 1. Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ҳисоб сиёсати 2. Солиққа тортиш мақсадлари учун ҳисоб сиёсати
43.	Сўнги 3 йил тугалланган молиявий йил учун даромаддан фойдаланиш асосий йўналишлари тўғрисидаги маълумотлар, минг сўм: (Бўш катакда жамият неча йиллик маълумотларни тақдим этаётганлиги кўсатилади) 2022-йил учун - соф фойдасининг 89,7%ни (21 651 527 минг сўм) ва 2023-йил учун- соф фойдасининг 86,7%ни (26 927 269 минг сўм), жамият асосан капитализацияга йўналтирди, яъни акционерларга уларнинг жамиятнинг устав капиталидаги ҳиссаларига мутаносиб равишда акцияларни қўшимча чиқариш орқали дивидендларни тўлаб берди. 2024-йил учун - соф фойдасининг 91,7%ни (106 074 980 минг сўм) акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирди.
44.	Мазкур Рисола тасдиқланган кунгача сўнги йил учун аффилланган шахслар билан тузилган йирик битимлар тўғрисидаги маълумотлар: (Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, қундалик ҳўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қўғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно) Жамият кредит бериш ва жорий депозитларни жойлаштириш бўйича шартномаларини фақат ўз акциядорлари орасида тузади, чунки Жамиятнинг Кузатув кенгаши кредит лимитларини фақат Жамият акциядорларига маъқуллаган. 2025-йилда аффилланган шахслар билан йирик битимлар ҳақидаги маълумотлар келтирилган: Аффилланган банкларга берилган кредитлар: • АТБ «Агробанк» –380 296 596 минг сўм.
45.	Жамият активлари умумий ҳажмининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган активлар, ҳар бир активнинг тегишли баланс қиймати кўрсатилади: Давлат облигацияларига инвестициялар - 932 113 991 минг сўм. Банкларга берилган кредитлар - 5 585 800 487 минг сўм.
46.	Жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги дебиторлик қарзи: (Кўрсатилади: жамият олдидаги қарзи жамият активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизи миқдоридаги қарзга эга дебитор номи; тўланиши лозим бўлган тегишли сумма (яқин 12 (ўн икки) ой ичида чорақлар бўйича тақсимланади, қолган суммалар йиллар бўйича алоҳида, қарзни узиш муддатларини кўрсатган ҳолда) ва уни сўндириш муддатлари кўрсатилади) Жамиятда активларнинг баланс қийматидан 10 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этувчи дебиторлик қарзи йўқ.
47.	Жамиятнинг асосий фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ ва жамият мажбуриятлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи: (Кўрсатилади: жамиятнинг кредиторлари номи; тўланиши лозим бўлган тегишли сумма (яқин 12 (ўн икки) ой ичида чорақлар бўйича тақсимланади, қолган суммалар йиллар бўйича алоҳида, қарзни узиш муддатларини кўрсатган ҳолда) ва уни сўндириш муддатлари кўрсатилади) Олинган жами кредитлар - 4 419 777 757 171,03 сўм. Осиё тараққиёт банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги орқали жалб этилган кредитлар: 2026 й. I чорак - 2026 й. II чорак 53 463 010 626,90 сўм 2026 й. III чорак - 2026 й. IV чорак 53 463 010 626,90 сўм Шартнома тугаш санаси – 15.11.2039 йил: асосий қарзни тўлаш ярим йилда бир маротаба, ҳар йилнинг май ва ноябрь ойларида, ҳар бир тўлов миқдори – 106 926 021 253,80 сўм, 2026–2039 йиллар давомида амалга оширилади. Осиё Тараққиёт Банки Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги орқали - шартномасининг тугаш санаси 15.08.2042 й., тўланиши лозим бўлган асосий сумма : 2026 й. I чорак - 2026 й. II чорак - 2026 й. III чорак - 2026 й. IV чорак - Шартнома тугаш санаси – 15.08.2042 йил: асосий қарзни тўлаш ярим йилда бир маротаба, ҳар йилнинг



	февраль ва август ойларида, ҳар бир тўлов миқдори – 121 988 420 548,56 сўм, 2028–2042 йиллар давомида амалга оширилади
48.	Жамият томонидан асосий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, жамият мажбуриятларининг баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этадиган кредиторлик қарзи: (Кўрсатилади: жамиятнинг кредиторлари номи; тўланиши лозим бўлган тегишли сумма (яқин 12 (ун икки) ой ичида чораклар бўйича тақсимланади, қолган суммалар йиллар бўйича алоҳида, қарзни узиш муддатлари кўрсатилган ҳолда кўрсатилади) ва уни сўндириш муддатлари).
	Жамиятда асосий фаолият билан боғлиқ бўлмаган, Жамиятнинг мажбуриятларининг баланс қийматидан 10 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этувчи қарздорлик йўқ.
49.	Сўндирилмаган кредитлар (қарзлар) тўғрисидаги маълумотлар: (Кўрсатилади: кредит ташкилоти (қарз берувчи) номи; кредит (қарз) шартномасининг асосий шартлари; кредит (қарз) шартномасининг тугаш санаси; кредит (қарз) шартномасининг сўндирилмаган тўлов қисми, сўмда)
	- Осиё Тараққиёт Банки Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги орқали - шартномасининг тугаш санаси 15.11.2039 й., 15.08.2042 й., сўндирилмаган тўлов қисми 3 326 790 605 780,81 сўм. - Халқаро Молия Корпорацияси – шартномасининг тугаш санаси 15.08.2027 й., сўндирилмаган тўлов қисми 315 625 250 000,00 сўм. - Халқаро Молия Корпорацияси – шартномасининг тугаш санаси 15.08.2027 й., сўндирилмаган тўлов қисми 242 000 000 000,00 сўм. - Осиё Тараққиёт Банки - шартномасининг тугаш санаси 07.05.2031 й., сўндирилмаган тўлов қисми 356 410 450 000,00 сўм. - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги - шартномасининг тугаш санаси 14.07.2045 й., сўндирилмаган тўлов қисми 18 380 336 755,69 сўм. - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги - шартномасининг тугаш санаси 06.01.2045 й., сўндирилмаган тўлов қисми 2 880 984 634,53 сўм. - Европа тикланиш ва тараққиёт банки - шартномасининг тугаш санаси 17.12.2029 й. сўндирилмаган тўлов қисми 157 690 130 000,00 сўм.
50.	Солиқ тўловлари бўйича муддати ўтиб кетган қарз миқдори, сўмда: (Рақам ва ёзув билан кўрсатилади)
	2026 йил 01 январ ҳолатига Жамиятнинг солиқларни тўлаш бўйича кечиккан қарзи йўқ.
51.	Активлари баланс қийматининг 10 ва ундан ортиқ фоизини ташкил этган жамиятнинг инвестициялари тўғрисидаги маълумотлар: (Барча инвестициялар миқдори жамият активлари баланс қийматининг 10 фоизни ташкил этганда ҳам, ушбу банд тўлдирилади)
	Давлат облигацияларига инвестициялар - 932 113 991 минг сўм.
VI.	ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР
52.	Мазкур Рисола нусхалари ва асл нусхаси билан танишиш тартиби ва жойи тўғрисида маълумот:
	100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 107Б, Халқаро Хамкорлик Маркази, 14А.
53.	Қимматли қоғозларнинг чиқарилиши шартлари жойлаштириладиган ахборот-маълумот тизимлари, даврий нашрлар манзиллари ва номлари:
	Қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши лозим бўлган облигациялар чиқарилиши тўғрисидаги ахборот қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ва тартибда Корпоратив ахборотнинг ягона порталида (www.openinfo.uz) , "Тошкент" РФБнинг расмий веб-сайтида (www.uzse.uz), шунингдек, Эмитентнинг расмий веб-сайтида (www.uzmgc.uz) эълон қилинади.
54.	Жамият қимматли қоғозларини сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун жамиятнинг фикрига кўра ошкор этилиши зарур бўлган бошқа маълумотлар:
	Жамият тўғрисидаги барча зарур маълумотлар ушбу эмиссия проспекти бўлимларида очиб берилган.
VII.	ИЛОВАЛАР
	1-илова - Жамиятнинг ташкилий тузилмаси.
	2-илова – 2022, 2023. 2024 молиявий йиллар учун аудиторлик хулосаси ва бухгалтерия баланси ҳамда фойда ва Зарарлар тўғрисидаги ҳисобот.
	3-илова - Бухгалтерия баланси ва 2026 йил 1 январ учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот.

Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси”
акциядорлик жамияти

Тикилган, рақамланган ва муҳрланган

116 (бир юз ўн олти) варак

Бош ижрочи директор



М.Ж. Фарманов

Бош бухгалтер в.в.б.



М.А. Нурматов

